КПСС МК Март Пленуми Қарорларини амалга оширамиз

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-йил чиқиши | № 64 (2097). | 30 март, жума, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

27 мартда КПСС Марказий Комитетида область ва ўлка партия комитетлари биринчи секретарларининг иштирокида КПСС Марказий Комитети РСФСР Бюросининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети РСФСР Бюросининг Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ **Н. С. Хрушчев** очди.

КПСС Марказий Комитети РСФСР Бюроси Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ **Г. И. Воронов** қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуришнинг борыши ҳақида ахборот берди. У бундай деди:

Қишлоқ хўжалигини бошқаришни тамомила қайта қуриш партия Марказий Комитетининг март Пленуми белгилаган муҳим тадбирлардан биридир. Аслини олганда биз ҳозир қишлоқ хўжалик аппаратини янгидан тузмоқдамиз.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев таклиф қилганидек ва КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорида кўрсатилганидек, территориал колхоз-совхоз ёки совхоз-колхоз ишлаб чиқариш бошқармалари колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга раҳбарлик қилувчи асосий звено бўлмоғи керак. КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюроси ва Россия Федерациясининг Министрлар Совети маҳаллий партия ва совет органлари билан биргаликда ишлаб чиқариш бошқармаларини тузиш соҳасида зарур ишларни амалга оширдилар. Ҳозирги вақтда 68 область, ўлка ва автоном республикада 418 та территориал ишлаб чиқариш бошқармаси, шу жумладан 413 та районлараро бошқарма ва автоном областлар доирасида 5-та бошқарма ташкил қилинди ва ишга киришмоқда. 413 та районлараро бошқармадан 319 таси колхоз-совхоз, 71 таси совхоз-колхоз, 15 таси колхоз ва 8 таси совхоз территориал ишлаб чиқариш бошқармаларидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳажми катта бўлмаган Карелия ва Қолмиғистон автоном республикаларида ҳамда Мурманск областида районлараро бошқармалар тузилмайди. Мазкур республикаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари гайёрлаш ва етиштириш министрликлари, Мурманск областида эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бошқармаси тузилади.

Одатда территориал ишлаб чиқариш бошқармалари 30 тадан тортиб 60 тагача хўжаликка хизмат қилади. Территорияси ҳаддан ташқари ёйилиб кетган ёки алоқа боғлаш қийин бўлган областлар ва автоном республикаларда (Хабаровск ўлкаси, Камчатка, Сахалин, Магадан областлари, Шимолий Осетия ва Чечен-Ингуш АССР) битта бошқармага 15 тадан тортиб 22 тагача хўжалик тўғри келади. Кўпчилик колхозлари кичикроқ бўлган областларда (Калинин, Ярославль, Горький областлари) айрим ҳолларда бошқарма ихтиёрида 100 га яқин ва бундан ҳам кўпроқ хўжалик бўлади. Бундай бошқармаларда ташкилотчи-инспекторлар сонини ҳам кўпайтириш зарур бўладиганга ўхшайди.

РСФСР да янги бошқариш органларига кадрлар танлаш иши тугалланди. Бу органларга қишлоқ хўжалигини яхши биладиган тажрибали ходимлар юборилди. Область ва ўлка ижроия комитетлари ҳамда АССР Министрлар Советлари Раисларининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаётган 76 кишидан 68 киши олий маълумотли, 70 киши қишлоқ хўжалик мутахассисидир. КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюроси ана шу категориядаги ходимларни ўз номенклатурасига олиб, шулардан ҳар бирини тасдиқлади. Территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқлари, КПСС область, ўлка комитетларининг ана шу бошқармалардаги партия ташкилотчилари, районлараро газеталарининг редакторлари КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бўйича тегишли бўлимлари учёт номенклатурасига олинди. Бу ходимларнинг ҳаммаси ҳам асосан танлаб ва тасдиқлаб бўлинди.

Ўртоқ Г. И. Воронов янги бошқариш органларига кадрлар танлашга етарли даражада жиддий ёндошмаган Пермь ва Кострома область партия комитетларини танқид қилади. У айтадики, ишлаб чиқариш бошқармаларини кадрлар билан таъминлашни яқин кунларда тугалламоқ керак. Ана шу бошқармаларга, дейди ўртоқ Г. И. Воронов, район ва область ташкилотларининг энг яхши ходимларини, шунингдек, таянч-намуна хўжаликларининг мутахассисларини юбориб, колхоз ва совхозларнинг раҳбар кадрларига сира ҳам тегмаслик керак. Ўртоқ Н. С. Хрушчев бу гапни бизга жуда тўғри уқтириб айтмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область, ўлка бошқармаларининг штатларини тўлдиришни ҳам дарҳол тугалламоқ керак.

Сўнгра ўртоқ Г. И. Воронов районлараро ишлаб чиқариш бошқармалари, ана шу бошқармаларга партия ташкилотчилари ва комсомол ташкилотчилари тайинлаб қўйиш тартиби районлараро газеталар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область, ўлка бошқармалари ҳамда қишлоқ хўжалик комитетлари тузилаётганлиги билан боғлиқ бўлган баъзи бир конкрет масалалар ҳақида гапиради. У районлараро бошқармаларнинг вазифаларига алоҳида тўхталиб, меҳнатни тўғри уюштириш ва қўшимча ҳақ тўлаш тартибини моҳирлик билан қўлланиш ана шу бошқармалар ишида асосий масаладир, деб таъкидлайди.

Пировардида ўртоқ Г. И. Воронов КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини бажариш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ҳақида, кўкламги экишни муваффақиятли ўтказиш соҳасидаги амалий вазифалар тўғрисида гапиради. Нотиқ ишонч билдириб айтадики, область ва ўлка партия комитетлари қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуришни қисқа вақт ичида тугаллайдилар, территориал бошқармаларни ҳар қайси колхоз ва совхознинг ишлаб чиқариш фаолиятига ишнинг кўзини билиб, жонкуярлик билан раҳбарлик қила оладиган, ташаббускор, малакали кадрлар билан таъминлайдилар.

Мажлисда ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Ўртоқлар! Ҳозир биз муҳокама қилаётган масала партиямиз учун, бутун совет халқи учун жуда муҳим аҳамиятга эга. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ хўжалигини бошқариш системасини тамомила қайта қуришни зарур деб топди. Бизларнинг ҳаммамиз шундай фикрга асосланмоқдамизки, бошқаришнинг ишлаб чиқилган структураси қишлоқ хўжалигига раҳбарликни кескин яхшилаш, ҳар қайси колхоз ва совхозда маҳсулотлар етиштиришнинг тез кўпайтирилишини таъминлаш имконини беради. Башарти биз тажрибали кадрларни танлаб олмасак, дастлабки кунларданоқ ишни тўғри йўлга солиб юбормасак, системанинг ўзи аслида нақадар мукаммал бўлмасин кутилган натижаларни бермайди. Шу сабабдан мен янги тузилаётган бошқариш органларининг ишига доир баъзи бир масалаларга сизларнинг эътиборингизни яна бир марта қаратиб ўтмоқчиман.

Гапни ишлаб чиқариш бошқармаларининг иш практикасидан бошлайман. Ҳар қайси колхоз ва совхозда оператив суратда ташкилотчилик иши олиб бориш ишлаб чиқариш бошқармалари бутун фаолиятининг негизи бўлмоғи керак. Оперативчиликни мажлисларда, протоколлар ёзишда эмас балки хўжаликларга жонли раҳбарлик қилишда, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришида ишлаб турган кишиларни ўқитиб ўргатишда кўрсатиш керак. Янги тузилаётган бошқариш органларининг фарқ қилувчи хусусияти ҳам шундан иборатки улар қишлоқ хўжалиги билан умумий тарзда шуғулланмасликлари, балки ҳар қайси колхоз ва совхозда ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан шуғулланишлари зарур. Малакали ходимларнинг штати керакли миқдорда бериб қўйилаётганлигининг ҳам боиси шудир, ана шу ходимлар колхоз ва совхоздаги ишларнинг аҳволини муфассал билишлари керак. Аҳволни батафсил билмоқ, ишлаб чиқариш жараёнига таъсир ўтказмоқ учун эса ташкилотчи инспекторлар, партия ташкилотчилари, инструкторлар бевосита колхоз ва совхозларда ишлашлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтиришдан иборат энг асосий вазифани ҳар жойнинг ўзида ҳал қилишлари лозим. Мажлисларга келганда шуни айтиш керакки, мажлислар фақат бирон колхознинг ёки бирон совхознинг иш якунларини тўплаш, ишлаб чиқаришни юксалтириш учун нималар қилиш лозимлигини аниқлаб олиш учун керак, холос. Кенгашда фикрлар олишиш, тажрибаларни ўртоқлашиш, шу тариқа зана шу тажрибаларни ҳамма хўжаликларда жорий қилиш мумкин.

Аммо кенгашларни, ишлаб чиқариш бошқармаси кенгашининг мажлисларини ҳадеб ўтказа бериш ҳам ярамайди. Агар ўз вазифасини мажлисбозлик қилиш, протоколлар ёзишдан иборат деб биладиган масъулиятсиз бошлиқ ишлаб чиқариш бошқармасига раҳбар бўлиб келадиган бўлса, бундай одам ишни барбод қилади. Бу хилдаги ходимларни раҳбарликнинг яқинига йўлатмаслик керак. Улар совхоз директорлари ва колхоз раисларини кун сайин ишлаб чиқариш билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум қилиб қўядилар, шундай бўлгач, колхоз ва совхоз раҳбарларининг умри қабулхоналарда ўтади, хўжаликлар эса аввалгидек бошқарилмайдиган бўлиб қолаверади. Бу эса колхоз ва совхозлардаги ишлаб чиқариш ишини издан чиқариб қўяди.

Мен бу гапларни ишлаб чиқариш бошқармаларигагина эмас, қишлоқ хўжалик комитетларига ҳам тааллуқли деб қисоблайман. Комитетлар ҳам мажлисбозлик қилавермасликлари, ҳожати бўлмаганн ҳолда одамларни ишдан қўймасликлари керак. Партия Марказий Комитети партия ва ҳукуматнинг катта ишончига сазовор бўлган кишилар қишлоқ хўжалик комитетларига кирмоқлари зарур, деб топди. Комитетларга республика Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область партия комитетларининг биринчи секретарлари бошчилик қиладилар. Планлаштириш органларининг, «Союзсельхозтехника»нинг раҳбар ходимлари, қишлоқ хўжалик министрлари комитетларнинг аъзоси бўладилар. Партия Марказий Комитети ана шундай масъул ходимларни комитетларга танлаб олар экан, бу ходимлар қишлоқ хўжалиги олдида пайдо бўладиган масалаларни тез оператив ҳал қилсинлар, қишлоқ хўжалигини моддий-техника воситалари билан таъминлаш соҳасида партия белгилаган тадбирларнинг амалга оширилиши ўзларига боғлиқ эканлигини тушуниб олсинлар, деган фикрни назарда тутди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошира борыб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш тўғрисида»ги 1962 йил 22 март қарорини раҳбарлик ва оғишмай амалга ошириш учун қабул қилдилар ҳамда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш юзасидан қуйидаги составда комитет тузилар:

Комитетнинг раиси — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов;

Раис ўринбосари — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри Х. Эргашев;

Комитет аъзолари — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Н. Усмонов; Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик бўлим мудири Т. Г. Зинин; «Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг раиси М. И. Кичанов; Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри Н. Маннонов; Госплан раисининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари Н. С. Божко; Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министри В. А. Билбас.

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрликлари ҳамда Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм областларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармалари ташкил этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги составида Ғалла маҳсулотлари бош бошқармаси тузилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш юзасидан 29 та территориал колхоз-совхоз ва совхоз-колхоз ишлаб чиқариш бошқармалари тузилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Ғалла маҳсулотлари бош бошқармаси, Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги марказий аппарати Андижон, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм область қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бошқармалари ва территориал ишлаб чиқариш бошқармалари аппаратининг структураси ҳамда штатлари тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларида область партия комитетларининг партия ташкилотчилари ва инструкторлар группаси, область комсомол комитетларининг комсомол ташкилотчилари ва инструкторлар группаси жорий қилинади, шунингдек область партия комитетлари ва меҳнаткашлар депутатлари область Советларининг районлараро газеталари ташкил қилинади. Область партия комитетларига ҳар бир территориал ишлаб чиқариш бошқармаси бўйича партия ташкилотчиларини, комсомол ташкилотчиларини ва инструкторларни, шунингдек газета редакторларини ўн кун ичида танлаш ва тасдиқлаш топширилди.

Колхоз ва совхозларга демократик асосда раҳбарлик қилишни таъминламоқ учун қуйидаги составда территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг кенгашларини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди: территориал ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи — унинг ўзи кенгашнинг раиси; область партия комитетининг партия ташкилотчиси; область комсомол комитетининг комсомол ташкилотчиси; колхозларнинг раислари ва совхозларнинг директорлари; район партия комитетларининг биринчи секретарлари ва район ижроия комитетларининг раислари; «Узсельхозтехника» бўлимларининг бошқарувчилари.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи колхоз-совхоз ва совхоз-колхоз территориал-ишлаб чиқариш бошқармаси тўғрисидаги, бошқарув кенгаши ва ташкилотчи инструктор тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига янгидан тузиладиган қишлоқ хўжалик бошқармаларининг органларини кадрлар билан таъминлашни ўн кун ичида тугаллаш, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларида ташкилотчи-инспекторлар лавозимида ишлаш учун мутахассисларни (агрономлар, зоотехниклар, инженерлар, экономистларни) қишлоқ хўжалигида ва маҳсулот тайёрлашда ташкилотчилик иши тажрибасига эга бўлган, янгилик, илғор ва прогрессив ташаббусни ишлаб чиқаришга жорий қилишни ва қишлоқ хўжалигига ҳамда маҳсулот тайёрлашга раҳбарликни тубдан яхшилашни таъмин эта оладиган сиёсий етук ходимларни танлаш ва ишга юбориш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрликлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармалари, территориал ишлаб чиқариш бошқармалари тузилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигини, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Совхозлар бош бошқармасини, область трестлари ва Тошкент область сабзавотчилик совхозлари трести, область маҳсулот тайёрлаш бошқармалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш район давлат инспекциялари, область қишлоқ хўжалик бошқармаларн тугатилади. Бошқа министрликлар ва бошқармалар маъмурий-бошқарув аппарати ходимларининг сонини қисқартириш тавсия этилди.

Бош пиллачилик бошқармаси ва унинг шохобчалари, паррандачилик фабрикалари ва паррандачилик-инкубатория станциялари республика трести, «Узгипрозем» проект институти, живконтора, зоветснаб, ўсимликларни муҳофаза қилиш область станциялари ва бошқа муассасалар, ташкилотлар ҳамда корхоналар ва уларнинг 1962 йил халқ хўжалик планида кўзда тутилган ҳамма меҳнат лимитлари, маъмурий бошқарув ходимлари, ишчиқи фондлари, капитал маблағ лимитлари ва моддий-техника таъминоти 1962 йил 1 январь баланси бўйича Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ихтиёрига топширилади.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига область ва территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг нормал ишлашини таъминлайдиган биноларни бир ҳафта ичида улар ихтиёрига топшириш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қишлоқ хўжалигини бошқариш юзасидан янгидан тузиладиган органларни транспорт воситалари билан таъминлашни ва уларнинг муваффақиятли ишлаши учун бошқа ҳамма шарт-шароитни вужудга келтиришни кўзда тутдилар.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигига районлараро ва район территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг ҳаммасини барча ички ва шаҳарлараро алоқа воситалари билан таъминлаш таклиф этилди.

«Узсельхозтехника» республика бирлашмасига «Узсельхозтехника» район ва районлараро конторалари шохобчаларини ва уларнинг жойланишини территориал ишлаб чиқариш бошқармалари тузилишига мувофиқ суратда ўзгартириш ҳақидаги таклифларни икки ҳафта ичида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область партия комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ижроия комитетларининг эътиборини шунга жалб этадиларки, кўкламги экишни муваффақиятли ўтказиш, қишлоқ меҳнаткашларининг 1962 йил учун олган мажбуриятларини бажаришлари, партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленумининг мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш тўғрисидаги қарорларининг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигини бошқаришни оператив суратда қайта қуришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети КПСС Марказий Комитети ва Министрлар Советининг 1962 йил 22 мартдаги «Қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш тўғрисида» ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси ва ЎзССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент областида қишлоқ хўжалигига раҳбарлик бўйича қуйидаги составда комитет тузди:

Комитет раислигига Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқов;

комитет раисининг ўринбосарлигига область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. И. Руцкий;

область партия комитетининг секретари Э. Т. Шайхов, Ўзбекистон КП область комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири А. А. Моргунов, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг бошлиғи М. И. Эгамбердиев, область суғориш системаси бошлиғи И. А. Полвонов, область тажриба станциясининг директори А. А. Колдаев ўртоқлар комитет аъзолари этиб тайинландилар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш юзасидан бешта колхоз-совхоз ва совхоз-колхоз территориал ишлаб чиқариш бошқармалари ташкил этилди. Булар Янгиер совхоз-колхоз бошқармаси, Сирдарё колхоз-совхоз бошқармаси, Янгийўл колхоз-совхоз бошқармаси, Тошкент колхоз-совхоз бошқармаси ва Чирчиқ колхоз-совхоз бошқармаларидан иборат.

Территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари этиб қуйидаги ўртоқлар тасдиқландилар:

ЯНГИЕР СОВХОЗ-КОЛХОЗ БОШҚАРМАСИ БЎЙИЧА:

С. Бухоров — бошқарма бошлиғи, **Г. И. Кретов** — область партия комитетининг партия ташкилотчиси **Т. Набиев** — бошқарма бошлиғининг ўринбосари, **А. Тўраев** — область комсомол комитетининг комсомол ташкилотчиси.

СИРДАРЁ КОЛХОЗ-СОВХОЗ БОШҚАРМАСИ БЎЙИЧА:

С. Г. Акрамов — бошқарма бошлиғи, **У. Хўжаев** — область партия комитетининг партия ташкилотчиси, **В. Д. Шкода** — бошқарма бошлиғининг ўринбосари, **Н. Алимуҳамедов** — область комсомол комитетининг комсомол ташкилотчиси:

ЯНГИЙЎЛ КОЛХОЗ-СОВХОЗ БОШҚАРМАСИ БЎЙИЧА:

И. Сотиболдиев — бошқарма бошлиғи, **Е. И. Кирилин** — область партия комитетининг партия ташкилотчиси, **К. Когай** — бошқарма бошлиғининг ўринбосари, **И. И. Алиев** — область комсомол комитетининг комсомол ташкилотчиси.

ТОШКЕНТ КОЛХОЗ-СОВХОЗ БОШҚАРМАСИ БЎЙИЧА:

П. И. Нестеров — бошқарма бошлиғи, **Н. Киргизбоев** — область партия комитетининг партия ташкилотчиси, **М. Тожиев** — бошқарма бошлиғининг ўринбосари, **С. Д. Сайдалиев** — область комсомол комитетининг комсомол ташкилотчиси.

ЧИРЧИҚ КОЛХОЗ-СОВХОЗ БОШҚАРМАСИ БЎЙИЧА:

И. В. Ажинов — бошқарма бошлиғи, **Т. Ражабов** — область партия комитетининг партия ташкилотчиси, **С. Солимуҳамедов** — бошқарма бошлиғининг ўринбосари, **Т. Тоғаев** — область комсомол комитетининг комсомол ташкилотчиси.

Область партия комитетининг партия ташкилотчилари ва территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқлари зиммасига беш кун муддат ичида бошқарманинг ишлаб чиқариш кенгаши составини тўғрисида Ўзбекистон КП область комитетининг тасдиғига таклиф киритиш вазифаси топширилди.

Шайхов ва Руцкий ўроқлар зиммасига территориал ишлаб чиқариш бошқармалари бошлиқлари билан биргаликда ўн кун муддат ичида ишлаб чиқариш территориал бошқармаларида ташкилотчи инспекторлар лавозимида ишлаш учун мутахассисларни (агрономлар, зоотехниклар, инженерлар, экономистлар) сиёсий жиҳатдан етук, қишлоқ хўжалигида ва маҳсулот тайёрлашда ташкилотчилик тажрибасига эга бўлган кадрларни танлаб ишга юбориш вазифаси топширилди.

Область партия комитетининг партия органлари бўлими зиммасига беш кун муддат ичида область партия комитетининг партия ташкилотчилари ва область комсомол комитетининг комсомол ташкилотчилари раҳбарлигида ишлайдиган инструкторлар танлаш ва уларни область партия комитетининг бюроси тасдиқига ҳавола қилиш топширилди.

Ўроқ Х. Р. Мусахоновага Ўзбекистон КП область комитети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советларининг районлараро газеталарини ташкил этиш тўғрисида область партия комитетининг бюросига таклиф киритиш топширилди.

Ўртоқ В. М. Романовскийга бир ҳафта муддат ичида территориал ишлаб чиқариш бошқармалари учун энг яхши биноларни танлаш, транспорт воситалари, зарур инвентарлар ҳамда ички ва шаҳарлараро алоқа воситалари билан таъминлаш вазифаси топширилди.

ЁШ ҚАЛБИМИЗ АЛАНГАСИ— ПАРТИЯГА, ВАТАНГА!

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИНГ XVII СЪЕЗДИ

Ўз сафларида 670 мингдан ортиқ йигит ва қизларни бирлаштирган республика комсомол ташкилотларининг энг яхши вакиллари 28 мартда Навоий номидаги театрда очилган Ўзбекистон комсомолининг XVII съездига тўпландилар.

Съездни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов очди. Республика комсомол ташкилотининг шон-шуҳратлар билан қопланган ғалаба байроғи тантанали сукунат ичида зал орқали саҳнага олиб чиқилади. Бу байроқ Владимир Ильич Ленининнг гуллар билан ўраб олинган портрети ёнига қўйилади.

Съезднинг раҳбар органлари сайланади.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари М. Абдураззоқов, Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидатлар И. П. Бурмистров, Н. В. Мартинов, Қ. Муртазоев, Ҳарбий кенгаш аъзоси, Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи Н. С. Демин, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. И. Журавлева, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари М. П. Вишинский, М. А. Аҳмедова, Э. Н. Тўхтасинов, область комсомол комитетларининг секретарлари, шунингдек, бир қанча шаҳар, район, завод ва колхоз комсомол комитетларининг секретарлари президиум столи ёнидан жой олдилар.

Президиумда республика ёшлар социалистик мусобақасининг ташаббусчиси, Ленин районидаги партия XX съезди номли колхозда коммунистик меҳнат пахтачилик бригадасининг бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати М. Жалолов, Қўқондаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасининг бригада бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати Т. Кардаш, мамлакатнинг машҳур маккажўхорикорн, СССР Олий Совети депутати Л. Ли, Чинобод районидаги «Ленинград» колхозининг механик-ҳайдовчиси Э. Набиева, пахтачиликда машҳур новатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпко, Учқўрғон районидаги 1-мактаб ўқувчилари пахтачилик бригадасининг бошлиғи Д. Юсупова ва бошқа комсомол активлари ўтиришдилар.

Содиқ ленинчи, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми узоқ давом этган гулдурос қарсаклар остида съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Съезднинг мандат ва редакцион комиссиялари, шунингдек секретариати сайланади, съезднинг рўзномаси ва иш тартиби тасдиқланади.

«Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисоботи ва КПСС XXII съезди қарорларини бажариш соҳасида республика комсомол ташкилотининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. Иброҳимов** доклад қилди.

Ўртоқлар! Ўзбекистон комсомолининг XVI съездидан бери тўрт йил ўтди. Шу давр мамлакатимиз ҳаётида юз берган ва инсоннят тарихида абадий ўчмас излар қолдирган воқеага бойдир. Партия XXII съезди — коммунизм қурувчилар съезди шу ўтган даврнинг

(Давоми учинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш республика министрлиги тузиш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш республика министрлиги тузилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри. 1962 йил, 28 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Х. Эргашевни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ҳамда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри қилиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Хидирали **Эргашев** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ҳамда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри. 1962 йил, 28 март.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Ўз-ўзидан маълумки, янги бошқариш органларида юқоридан қуйига қадар қаттиқ масъулият ўрнатмоқ керак. Ташкилотчи инспекторлар колхоз ва совхозлардаги ишларнинг аҳволи тўғрисида бошқарма бошлиғи олдида ҳисоб бермоқлари, бошқарманинг бошлиғи ишлаб чиқаришнинг аҳволи тўғрисида область ёки республика олдида ҳисоб бермоғи керак. Ана шундай ҳисоботларни тинглаётган раҳбар бу ҳисобот тўғрисида протокол ёзиши лозим эмаслигини, балки пайдо бўлган масалаларни тез ҳал қилиб бериши лозим эканлигини эсда тутмоғи керак. Бу ишда оператившн бўлиш талаб қилинади. Башарти машиналар ремонти кечикиб кетаётган экан, бунинг учун умумий йўл-йўриқнинг даркори йўқ, аксинча конкрет чоралар кўриш зарур. Башарти фермаларда механизациялаш соҳасидаги иш чатоқ экан, бунинг учун буйруқ ёзиб ўтиришнинг даркори йўқ, балки ҳар жойнинг ўзида колхоз ёки совхозга ёрдам бериш учун инженерни юбормоқ керак.

Масалаларни ҳал қилишга ана шу тарзда ва фақат ана шу тарзда ёндошмоқ лозим. Такрор айтаманки, қайси колхоз ишлаб чиқаришни яхши ташкил этганини, қайси колхоз яхши ташкил этмаганини оператив тарзда кўриб турмоқ керак. Бинобарин, нима сабабдан бир колхознинг иши яхши, иккинчи колхознинг иши ёмон бораётганлигини муҳокама қилиб кўрмоқ лозим. Афтидан масала кадрларга, одамларни ўқитиб, ўргатишга боғлиқ бўлса керак. Бундай ҳолларда баъзи бир раҳбарлар ўз ишлари тўғрисида ҳисоб бериш, биз колхоз раиси ёки совхоз директорини алмаштирдик, деб айтиш осонроқ бўлсин деган мақсадда шоша-пиша кадрларни ўзгартиришга тушадилар.

Бир ходимни олиб, ўрнига иккинчисини қўйиш мумкин, албатта, лекин ҳаммавақт ҳам янги келган ходим эскисидан афзалроқ бўлиб чиқавермайди. Кадрларни алмаштиришга берилиб кетиш ярамайди, колхоз ва совхоз раҳбарларга, мутахассисларга кўпроқ ёрдам бериш керак.

Курск областида ўзим туғилган Калиновка қишлоғи ҳақида илгари гапирган эдим, ҳозир яна бир марта гапирмоқчиман. 1945 йилда мен ҳамқишлоқларим ҳузурига борган эдим. Урушдан кейин хўжалик вайрон бўлган, колхозчилар меҳнат кунларига ҳеч нарса олмас эдилар, Раҳбарлар йил сайин, ҳатто бир йилда икки мартадан ўзгартириб турилар эди. Колхоз деярли ҳамма ерига жавдар билан сули экиб, ҳар гектаридан 7-9 центнер ҳосил олар эди. Хўжаликда атиги 200 бош қорамол, шу жумладан 55 бош сигир бор эди.

Мана, орадан бир неча йил ўтди. Колхозда ўша вақтдаги одамларнинг ўзи ишлаяпти, лекин бошқа раҳбарлар келгач колхознинг қиёфаси тамомила ўзгариб кетди. Колхоз раислигига ўртоқ В. В. Грачёвни тавсия қилишди. Бу ҳатто мутахассис ҳам эмас, фақат практик, курсклик оддий деҳқонбўлиб, атиги ўрта маълумоти бор. Аммо ўртоқ Грачев яхши дилкаш одам, деҳқонлар билан ишлаш йўлини билади, шунинг учун одамлар унинг гапига қулоқ солади ва ҳурмат қилади. Колхоз планлаштиришнинг янги тартибига таяниб, экин майдонлари структурасини қайтадан қурди, чорва молларга едириш учун маккажўхори, қанд лавлаги экабошлади. Ем-хашак мўл-кўл бўлиб қолди, чорвачилик тез юксалабошлади. Илгари колхознинг 55 бош сигири бўлган эди, ҳозир эса мингдан ортиқ сигири бор. 1961 йилда Калиновкада ҳайдалиадиган ерларнинг ҳар юз гектарига сўйилган вазнда 76 центнер ва қишлоқ хўжалигига яроқли бошқа ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 17 центнер гўшт етиштирилди. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 526 центнер сут етиштирилди. Буғдой ҳосили гектар бошига 32 центнер бўлди. Ўз куч-қувватини аямай, партия қўйган вазифаларни бажариш учун кураша оладиган ана шу хилдаги софдил ишбилармон кишиларни танлаб олинса ана шундай самараларга эришиш мумкин.

Шу сабабдан биз кадрлар танлаш ва уларни ўқитиш — ишлаб чиқариш бошқармаларининг ишида асосий вазифа бўлмоғи керак, демоқдамиз. Шу нарсага амин-манки, агар қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги органлари кадрлар билан ишлашни яхши йўлга қўйиб олса, ишимиз тез ривож топиб кетади. Қишлоқ хўжалигига раҳбарликни қайта қуриш соҳасида партия ҳозир амалга ошираётган тадбирлар бутун куч-ғайратимизни ишлаб чиқариш масалаларига марказлаштириш имконини беради.

Энди, ўртоқлар, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамма ишимизнинг яна бир жуда муҳим томонига — етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтиришга сизларнинг эътиборингизни жалб қилиб ўтмоқчиман. Менга Калиновка қишлоғидаги колхозга доир бир справка беришди. Шу справкада кўрсатилган баъзи бир рақамларни айтиб берайин. Рост гап, бу кўрсаткичлар мени ғучалик қаноатлантирмаяпти, улар эталон бўлаолмайди, шунга қарамай, сизларнинг эътиборингизни ишлаб чиқаришни ташкил этишга доир энг муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратмоқ учун бу кўрсаткичларни айтиб ўтаман.

Калиновкада меҳнат куни ҳисоблаб ёзишдан пул билан ҳақ тўлашга кўчишган, ҳисоб-китоблар пулга айлантириб олиб борилмоқда, шунинг учун ҳамма кўрсаткичлар ҳам сўм ҳисобида ифода этилган.

1961 йилда колхозда бир центнер донинг (маккажўхоридан ташқари) таннархи 2 сўм 23 тийин бўлган. Мазкур зона учун бир центнер донинг давлат харид қилиш нархи 7 сўм 10 тийин қилиб белгиланган. Бинобарин, хўжалик дондан катта даромад олмоқда.

Бир центнер конопля (поясни)нинг таннархи 8 сўм 72 тийинга тушди, харид нархи 18 сўмдир. Кўряпсизки, конопля ғоят сердаромад экин.

Бир центнер қанд лавлагининг таннархи 67 тийин, харид нархи 2 сўм 20 тийин; картошканинг таннархи 2 сўм 72 тийин, харид нархи 3 сўм; карамнинг таннархи 1 сўм 43 тийин ва харид нархи 7 сўм 90 тийин; помидорнинг таннархи 1 сўм 91 тийин ва харид нархи 16 сўм 10 тийин; олманинг таннархи 21 сўм 73 тийин ва харид нархи 37 сўм 30 тийин. Шундай қилиб, деҳқончиликдан олинаётган ҳамма маҳсулотлар колхозга талайгина даромад келтирмоқда.

Энди чорвачилик маҳсулотларини олайлик.

1961 йилда колхозда бир центнер сутнинг таннархи 8 сўм 42 тийин, ўртача харид нархи эса 11 сўм бўлди. Кўряпсизларки, сут етиштириш колхозга даромад келтирмоқда. Мол ва қўй гўшти ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Колхозда 1 центнер мол гўштининг таннархи 50 сўм, харид нархи эса 59 сўм 80 тийин, қўй гўштининг таннархи 30 сўм 60 тийин ва харид нархи 46 сўм 90 тийин бўлган. Бир центнер жун таннархи 156 сўм 20 тийин, харид нархи эса 256 сўм 80 тийиндир.

Қўйчилик ниҳоятда кўп фойда келтираётганлигига эътиборингизни жалб қилиб ўтаман, ўртоқлар. Ихтисослашган районлар — Бурятия республикаси, Олтой ва Ставрополь ўлкалари, Ростов, Оренбург, Чита областларини истисно қилганда, Россия Федерациясида қўйчилик фойда бермайди, деб ҳисоблайдилар. Турмуш бу фикрни чиппакка чиқармоқда. Агарда қўйларнинг тили бўлганда, улар хойнаҳой баъзи бир ходимларга: сизлар бизга туҳмат қиляпсиз, қўйлар жуда сердаромад ва фойдалидир, деб айтган бўлур эди.

Дарҳақиқат, қўй арзон гўшт, қимматли жун ва пўстинбоп тери беради.

Мана қаранг, Калиновка — ўрмон аралаш даштлик минтақасида жойлашган бўлиб, у ерда яйловлар, ўтлоқлар йўқ. Буни мен биламан, болалик чоғларимда ўша ерда чўпон бўлиб ишлаб, далаларини роса кезганман. Ана шу ўрмон аралаш даштликда, яйловлар бўлмаган бир жойда помешчик меринос қўйлар боқар эди, ана шу қўйлар йилнинг кўп фаслларида боғланиб боқилар эди, чунки бу нарса фойда келтирарди, буни ҳозирги замон практикаси ҳам исботлади.

Мен Олтой илмий тадқиқот институтининг ходими қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ Гусев билан Рубцов районидаги «Страна Советов» колхозининг зоотехники ўртоқ Вовченкининг мақолаларини илгари мисол қилиб кўрсатган эдим. Улар маккажўхори силоси бериб қўй боқиш фойдали эканлигини тасдиқламоқдалар. Шунинг учун колхоз ва совхозлар чорвачиликдан яхши даромад олсин десангиз, қўйларни кўпайтиришга эътибор беринг. Қўй арзон гўшт, жун, тери беради.

Қайси жойларда қайси наслдан бўлган қўйларни боқиш яхшироқ эканлигини бир йўлак кўринг. Масалан, Россия Федерациясининг Марказий районлари шароитида Романов қўйи боқиш манфаатлидир. Бу наслнинг қўйлари дағал жун беради бизга шундай жун ҳам керак. Романов қўйи камида 2-3 та, ҳатто бештага етказиб қўзи беради.

Қўйчиликни ривожлантиришда янги йўллар очиб бераётган кишиларни қувватлаш керак. Ставрополь ўлкасининг машҳур чўпони И. Н. Малашенко ўз отаридаги совлиқлардан ҳар йили бир ярим марта қўзи олмоқда. У тавсия қилаётган системага қарши чиқиш керак эмас. Баъзи бир ўртоқлар ўртоқ Малашенконинг тажрибаси ҳамма жойда ҳам самарали бўлмаётир, деган гапларни айтишяпти. Қўйчилар бундан чўчимасликлари керак. Бу система бир устанинг қўлида самара бермаса, бошқа бир устанинг қўлида самара берянти. Ўз методи туфайли яхши натижаларга эришаётган кишиларга қарши чиқишнинг нима ҳожати бор. Майли, одамлар ижодий меҳнат қилаберсинлар.

Албатта, ҳар бир совлиқдан ақалли битта қўзи олиш муҳим аҳамиятга эга. Башарти биз биттадан қўзи олиб уни сақлаб қолсак, қўйларнинг туёғини жуда ҳам кўпайтириб юборишимиз мумкин. Келинглар, икки йилда совлиқларни уч марта қўзилатаётган ва шу тариқа ҳар юз совлиқдан 200-та эмас, балки 300 та қўзи олаётган новаторларни рағбатлантирайлик. Бу жуда соз иш! Шу сабабдан И. Н. Малашенко ҳамда колхоз ва совхозларнинг бошқа илғор кишилари қўйчиликда тавсия қилаётган йўлни матбуотда ҳам, амалий ишимизда ҳам қувватлашимиз керак.

Ҳозиргача колхозга даромад бераётган гўшт турлари ҳақида гапирдик. Лекин чўчқа гўшти билан парранда гўштини олиб кўрсак, Калиновкада бу маҳсулотларни етиштириш зарар келтирмоқда. Колхоз давлатга сотилган чўчқа гўштининг ҳар центнеридан 50 сўм, товуқ гўштининг ҳар центнеридан 60 сўм ва ўрдак гўштининг ҳар центнеридан 6 сўм 60 тийин зарар кўрган. Тухум етиштириш ҳам зарар келтирмоқда. Минг дона тухумнинг таннархи 88 сўм, харид нархи эса 62 сўм 70 тийин бўлган.

Бунга сабаб нима, нима учун шундай илғор хўжаликда чўчқа, парранда гўшти ва тухумнинг таннархи жуда ошиб кетмоқда? Буни чукур ўрганиб кўриш, таннархи шу хилда ошиб кетаётганлигига нималар сабаб бўлаётганини суриштириб кўриш керак. Калиновкада етиштирилаётган емхашак арзонга тушмоқда, Чамаси ишлаб чиқаришда кўп одам банд қилиб қўйилган бўлса, бир хил одамлар фермада тер тўкиб ишлагани ҳолда, бир хил одамлар ферманинг атрофида сандиқақлаб юриб, барибир ҳақ олаётган ва олганда ҳам мўмай ҳақ олаётган бўлсалар керак.

Кўпгина колхозлар узоқ вақт шундай ҳаёт кечириб келдики, одамларни ишга чақириш учун деразасини қоқишга тўғри келар эди. Энди ликда илғор колхозларда аҳвол ўзгарди, одамларни ишга чақириб юришнинг ҳожати қолмади. Чамаси иш нормалари кам белгиланганлиги учун меҳнат унумдорлиги кам бўлаётган бўлса керак. Бу ишда ҳар қайси хўжаликка конкрет ёндошмоқ керак, албатта. Калиновканинг нормаларини ҳозирча ўртача нормалар деб қабул қилиб бўлмайди, эҳтимол бу нормалар бошқалар учун ҳали кўплик қилар.

Хуллас, ўртоқлар, колхозлар ва совхозларда етиштирилаётган маҳсулотнинг таннархини камайтириш ғоят катта аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Бу вазифани ҳал қилишда қишлоқ хўжалик фани, бизнинг олимларимиз катта роль ўйнашлари лозим. Чўчқа гўштининг бир центнери, масалан, нега айрим хўжаликларда 120 сўмга тушяптию, бошқа хўжаликларда 40 сўмга ва ҳатто бундан ҳам камга тушяпти? Мана шу саволга жавоб бериш керак, энг муҳими эса қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таннархини камайтириш тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқиш, таннархни камайтириш йўлларини кўрсатиб бериш керак.

Нуқул даъватлар қилиш билан чекланиш ярамайди, фан ва практика натижасида туғилган энг яхши йўлларни тавсия қилиш, чорва молларни озиқлантиришнинг илғор методларини, уларни боқишнинг энг яхши технологиясини ишлаб чиқаришга зўр бериб жорий қилиш, чорва молларни қандай ем-хашак билан боқиш фойдали эканлигини кўрсатиб бериш керак. Бу жуда муҳим иш, чунки ем-хашакнинг ҳар бир центнерини етиштиришга сарфланаётган меҳнатнинг миқдори сира ҳам бир хил эмас. Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш керак. Биздаги ем-хашакнинг қандай хилларининг йиғиндиси энг кўп фойда келтиради? Чорва молларни ем-хашакнинг қандай хиллари билан боқканда ва молларни қандай қилиб семиртирганда гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларнинг таннархи энг арзонга тушиши мумкинлиги тўғрисида практика синовидан ўтган маслаҳатларни бериш зарур. Бизда ем-хашакнинг уч хил асосий тури бор, булар: сўталли маккажўхори, қанд лавлаги, дукканли экинлар, шунингдек асосан маккажўхорининг ўзидан иборат бўлган концентратлар бор. Чўчқаларни мана шу ем-хашак турларининг бири билан ёки энг яхшиси мана шу ем-хашак турларининг ҳаммасини қўшиб едириш билан боқиб семиртиришнинг энг рационал технологиясини ўрганиш керак. Маккажўхоридан, нўхат тертидан, қанд лавлаги, сабзидан кенг фойдаланиш чўчқаларни боқиб семиртирмоқ учун ғоят қулай имкониятлар очиб беради. Қорамолларни, паррандаларни боқиб семиртиришга доир тавсияларни ҳам ишлаб чиқиш, қандай ем-хашак билан озиқлантирилган, қандай усулда боқилган тақдирда арзон гўшт ва сут етиштириш мумкин деган саволга жавоб бериш зарур.

Ўртоқлар, агар биз ем-хашак экинларининг фазилатларига тўғри баҳо беришни сарфлаган меҳнатимиз натижасида энг кўп миқдорда озуқа бирлиги берадиган ем-хашак экинларини ўстиришни ўрганиб олмас эканмиз, маҳсулот таннархини камайтириш учун жиддий курашиб бўлмайди.

Шундай деб айтиш мумкинки, ҳозир биз озуқалар бирлигининг алифбесини ўрганаётирмиз. Бироқ, энди навбатдаги синфга ўтиш пайти келди. Масалан Германия Демократик Республикаси д а г и Шванебург халқ хўжалигининг директори ўртоқ Штрубени олиб кўринг. У, ҳеч қачон мен фалонча гектар ерга ем-хашак экинлари экдим деб айтмайди, балки фалон хил экинлар экдим, бу экинлар фалонча крахмал беради, шу жумладан фалон хил экин фалонча крахмал беради, бу экининг манфаати кўпроқ, чунки кўпроқ крахмал беради, дейди ва ҳоказо.

Хўш, қишлоқ хўжалигида ишлаётган ўртоқларимизнинг ҳаммаси ҳам ем-хашак экинларига шундай баҳо беришяптими? Ҳатто баъзи олимларнинг китобларида ҳам экинларга шундай баҳо бериш йўқ, мен уларнинг сўзлаган нутқлари тўғрисида гапириб ҳам ўтирмайман. Ем-хашак экинларининг ҳаммасига центнер билан баҳо берилади, қанд лавлагининг центнери ҳам, шолғомнинг центнери ҳам битта ўлчов билан ўлчанади. Вазн жиҳатидан буларнинг иккалови ҳам тортганда ҳақиқатан баббаравар келади. Аммо, бу экинларнинг тўйдириш қуввати-чи? Шолғом — нуқул сув, аммо қанд лавлаги эса, жуда қимматли озуқа, маълумки, қанд лавлагида 20 процентга яқин шакар бор.

Бинобарин, мана шуларнинг ҳаммасига янгича баҳо беришни ўзимиз ўрганиб олишимиз ва одамларга ўргатишимиз керак. Олимлар сутнинг таннархи нималардан таркиб топишини бирма-бир анализ қилиб чиқсинлар, ана шунда кўп нарса яққол кўриниб қолади. Хўш, сут нега қиммат? Кўп колхозларда бир сут соғувчи 8—10 сигир соғаётган экан, сут қандай қилиб арзон бўлиши мумкин? деган савол туғилади. Ахир, сут арзон бўлиши мумкинми, деган савол туғилади. «Караваево» совхозининг тажрибаси тўғрисида бир вақтлар жуда кўп ёзилган эди, шу совхозда сут жуда ҳам қиммат. Агар шу совхоз сутини бозорга олиб чиқиб уни ўзининг таннархи билан сотиладиган бўлса, бу сут ачиб қолади, унинг қимматлигидан ҳеч ким бу сутни олмаса керак. Аммо биз бу совхозни кўкка кўтариб мақтаган эдик. Сабаб? Буни ўйлаган эмасмиз, ҳисоблаб кўрган эмасмиз.

Хўжаликлар бошқаларга ибрат бўлсин деб уларни мукофотлаймиз ва тақдирлаймиз. Агар ҳамма совхозлар «Караваево» хўжалигидан ибрат оладиган бўлса, бунинг оқибати нима бўлади? Улар хонавайрон бўлади.

Совхоз раҳбарлари бу хўжаликдаги сигирларни машина билан соғиб бўлмайди, фақат қўлда соғиш мумкин, дейишади.

Хўш, нега бундай? Шу муносабат билан бир факт менинг эсимга тушиб қолди. Бир вақтлар бизнинг қишлоғимизда деҳқонларнинг ҳаммаси ерни плуг билан ҳайдашар эди, аммо бир чол плугни тан олмай, ерни ҳамиша омоч билан ҳайдар ва ўлгунимча ерни омоч билан ҳайдайман, деб айтар эди. У омоч билан ҳайдалган ер кўпроқ ҳосил беради, деб ўйлар эди. Наҳотки, баъзи колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ҳам ўша чол деҳқонга ўхшасалар?

Биз ҳаммамиз, ўртоқлар, хўжаликни тежаб-тергаб, ҳисоб-китоб билан бошқаришни, меҳнат ва маблағларни камроқ сарфлаган ҳолда кўпроқ маҳсулот етиштиришни ўрганиб олмоқ учун кўп иш қилишимиз керак.

Мен, ишлаб чиқариш бошқармалари ходимларининг — бошқарма бошлиғининг, партия ташкилотчисининг, ташкилотчи инструкторнинг ва инструкторнинг иш ҳақи колхозлар ва совхозларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосида ўсиб боришига тарафдорман. Ишлаб чиқариш даражаси нечоғли юқори бўлса, барча ходимларнинг ва раҳбарларнинг иш ҳақи шунчалик юқори бўлиши лозим. Мукофот усулида ҳақ тўлашнинг ўзи мана шудир: бундан бошқа мукофот бўлмаслиги лозим. Аммо, шундай ҳоллар бўладики, байрам муносабати билан ёки квартал, ярим йил тамомланиши муносабати билан ҳаттоки планни бажармаётган корхоналарда ҳам мукофот олабердилар. Бундай практика сира ярамайди. Кимки қобилиятли бўлса унинг қобилияти ишлаб чиқаришнинг ўсишида кўринишн лозим. Ишлаб чиқариш ошаберса иш ҳақи ҳам ошаберади.

Меҳнатни тўғри ташкил этиш ва унга тўғри ҳақ тўлаш масалалари асосий масалалардир. Колхозлар ва совхозларда меҳнатнинг сонини ҳам ва сифатини ҳам қатъий равишда ҳисобга олиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тўғри шкаласини ишлаб чиқиш керак. Мисол учун, тракторчиларни олиб кўрайлик, улар ҳайдаган ерчинг гектари кўпинча баравар бўлади, аммо ишнинг сифатига қарасангиз, унинг сифати ҳар хил бўлганини кўрасиз. Тракторчилар ишининг сифатидаги фарқ эса ҳосилнинг миқдори билан белгиланади. Ишнинг сифати ҳар хил бўлганлиги учун эса, меҳнатга тўланадиган ҳақ ҳам шунга яраша ҳар хил бўлиши лозим.

Яқинда ўртоқ З. Т. Сердюк Молдавиядаги бир колхознинг тажрибасидан олинган жуда қизиқ ва ибратли бир фактни менга гапириб берди. Молдавияда меҳнатга қўшимча ҳақ тўлашга доир тавсиялар ишлаб чиқилаётган ва муҳокама қилинаётган вақтда Мичурин номидаги колхозниг механизатори ўртоқ В. Д. Голбан 75 гектар майдонда қўл меҳнати сарфламай яхши ҳосил етиштиришга аҳд қилган. У яхши меҳнат қилиб, ҳосил етиштирган ва ҳар бир гектардан сўталари билан 75 центнердан маккажўхори дони олишга муваффақ бўлган. Бунинг учун унга қўшимча ҳақ тариқасида сўталари билан 9 тонна маккажўхори дони берилиши керак эди. Ана шунда колхоз раҳбарларининг айтиш мумкинки, қўллари қалтирай бошлаган. Бу қандай гап — бир кишига шунча дон бериш керакмикин? Ҳар ҳолда механизатор Голбанга мана шу 9 тонна маккажўхорини беришга қарор қилганлар.

Ўртоқ Сердюк ўша механизатордан, бу маккажўхори донидан қандай фойдаланмоқчиси, деб сўраганида механизатор бундай жавоб берган:

— Мен коляскали мотоцикл сотиб олмоқчиман, буни кўпдан бери орзу қилиб юрибман, лекин қандай қилиб сотиб олишни билмайман. Аввал иккита-учта чўчқани боқиб семиртираман, кейин эса бу чўчқаларни сотиб, тушган пулга мотоцикл сотиб оламан.

Бу тўғри истак. Ўша киши пулни ҳалол меҳнат билан ишлаб топган ва энди мотоциклда маза қилиб юраберсин.

Механизатор ўзининг яхши меҳнати учун моддий жиҳатдан рағбатлантирилганлигини ва колхозчиларнинг катта ишонч билдирганликларини кўриб тағин ҳам яхшироқ ишлашга руҳланди. Бу йил у 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан сўталари билан бирга 85 центнердан маккажўхори олишга шайланиб турибди.

Баъзи бир кимсалар у кўп ҳақ олди, дейишлари мумкин. Лекин сизлар у колхозга, мамлакатга қанча маҳсулот берганлигини ҳисоблаб кўринглар. Яхши меҳнат учун қўшимча ҳақнинг ҳаммасини тўла равишда бериб туриш керак. Яхши меҳчат, мўл ҳосил колхозлар ва совхозларнинг бойлигини, мамлакат бойлигини кўпайтиради. Ҳамма колхозларда меҳнатга қўшимча ҳақ тўлашда мана шундай йўл тутилиши лозим.

Ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқлари, партия ташкилотчилари, ташкилотчи инспекторлар колхозларда ва совхозларда ишлаб чиқаришни икки-уч баравар кўпайтирсинлар ва оширилган иш ҳақи олаберсинлар. Колхозлар ва совхозларнинг катта-катта даромадлар олишларини ҳамда уларнинг ходимларига катта-катта иш ҳақи тўланишини биз зўр бериб пропаганда қилаберамиз. Бунинг учун ҳеч ким қоралонмайди.

Биз ҳар бир хўжаликда ишлаб чиқаришни уч баравар кўпайтиришимиз мумкинми? Ҳа, мумкин! Кўп хўжаликларимизда ишлаб чиқариш даражаси ҳали ҳам жуда пастку: дон экинларининг ўртача ҳосили 10 центнерни ташкил қилади, баъзи мамлакатларда эса 25—30 центнердан ҳосил олмоқдалар. Партиямизнинг Программасида гектар бошига дон экинларидан ўрта ҳисобда камида 20 центнер ҳосил олиш вазифаси қўйилган. Ўртача ҳосил мана шундай бўлганида ғалламиз мўл бўлади.

Албатта, биз пландаги мўлжалдан ошираберамиз, тезроқ ўса берамиз, ана шунда экин майдонларини ҳатто бирмунча қисқартириш масаласи туғилиши мумкин. Ҳозир эса, аксинча, биз мелиорацияга ва тўнкаларни кўпориб ташлаб ер очишга пул сўраётган, иккинчи томондан эса, зах босган ерларни ҳисобдан чиқариб ташлашни илтимос қилаётган кишиларни танқид қилишимиз керак. Хўш, бунда қандай мантиқ бор? Давлат мелиорацияга миллиардмиллиард пул сарфламоқда, аммо ўзлаштириб, экинзорга айлантирилган ерларни чакалакзор қилиб юборибф, ҳисобдан чиқармоқдамиз. Ишга бунчалик масъулиятсизлик билан қараш мумкинми, ахир? Бунга хотима бериш керак.

Территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг, колхозлар ва совхозлардаги партия ва комсомол ташкилотларининг ишини меҳнатни ташкил қилишдан бошлаш керак. Биз партиянинг сиёсати тўғрисида, коммунизм тўғрисида, энг юксак идеаллар тўғрисида гапирганимизда, одамларнинг турмуши ҳақида гапиришимиз керак, ана шунда улар конкрет вазифаларни яхшироқ тушунадилар. Агар сиз умуман сиёсат тўғрисида гапираверсангизу, лекин меҳнатни тўғри ташкил қилмасангиз ва одамлар меҳнат унумдорлигининг намуналарини кўрсата олмасалар, у ҳолда сиз ҳар қанча яхши гапирсангиз ҳам, колхозчи бони узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши деган маънода қуруқ ваъда, деб ҳисоблай беради.

Ҳозир яхши одамларни танлаб олиш, уларни жой-жойига қўйиб тўғри ишлатиш, жонли ташкилотчилик ишини бошлаб юбориш керак. Ишни тўғри ташкил қилишни ўзинг билмасанг, яхшилардан ўрнак ол — ҳар бир районда ва областда яхши намуналар бор, — ана шу намуналарга асосланиб одамларга иш ўргатишни ташкил қил. Ўзинг ҳам ўрганишинг ва бошқаларни ҳам ўргатишинг керак.

Одамлар билан муносабатда ҳалол бўлиш керак. Кимки қўшимча ҳақ олишга арзийдиган иш қилган бўлса, бу қўшимча ҳақни албатта тўлаш керак.

Коммунистлар моддий рағбатлантиришнинг кучини тушунадилар, моддий манфаатдорлик принципини юксак даражада қадрлайдилар. Бу ленинча қоидани бундан буён ҳам изчиллик билан амалга ошира беришимиз зарур.

Шу сабабли ўртоқлар, ишлаб чиқариш бошқармалари иш бошлаган, қишлоқ хўжалигига раҳбарликни қайта қуришга киришилган кундан бошлаб колхозлар ва совхозларда меҳнатни ташкил этиш, тўғри ҳақ тўлаш масалаларига энг кўп эътибор берингилар. Меҳнатни нормалаш ва меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг ҳамма масалаларини чуқур ишлаб чиқиш керак. Юлгичликка йўл қўйиш ярамайди. Колхозлар ва совхозларда бажарадиган ишларнинг нормаларини ва баҳосини ҳаддан ташқари ошириб юборишга ҳам, ҳаддан ташқари камайтириб юборишга ҳам йўл қўйиш ярамайди. Фақат область ва мамлакат доирасидагина эмас, ҳатто район ва ишлаб чиқариш бошқармаси доирасида ҳам колхозлар ва совхозлардаги ишлаб чиқариш даражаси турлича эканлигини ҳисобга олиш керак. Бу масалаларни пухта ўйлаб, оқилона ҳал қилиш керак.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш бошқармалари зарурлигининг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, раҳбарликнинг бу формаси партия ташкилотларининг куч ва ғайратини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий масалаларига қаратишимизга имконият беради. Областда, районларда ишлаб турган энг йирик, тажрибали кишиларни олиб, уларни ишлаб чиқариш бошқармаларига ишлаш учун юбориш керак. Шу бошқармаларнинг раҳбарлари ва барча ходимлари олдида битта вазифа — у ҳам бўлса колхозлар ва совхозларда ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш вазифаси турибди.

Ишлаб чиқариш бошқармалари ташкил қилиниши муносабати билан район партия комитетлари ишининг характери ҳам ўзгаради. Ҳозир райкомда уч секретарь бор; ишлаб чиқариш бошқармалари ташкил этилганлиги муносабати билан бу секретарларнинг бирини оламиз, иккитаси эса райкомда қолади. Улар райкомда нима иш қилади? Район партия комитетларининг структурасини ва штатлари ҳақида ўйлаб кўриш керак. Энг яхши кишиларни ишлаб чиқариш бошқармаларига олиш керак, аксҳолда биз уларни йўқотиб қўямиз. Мен район партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган вақтимда бизда бир секретарь, ташкилот бўлимининг мудири ва агитация-пропаганда бўлимининг мудири бўлар эди. Биз уч киши бўлиб ишлар эдик. Инструкторлар кам эди, пропагандистлар кўпроқ — тўрт киши эди. Ўша вақтда вазифалар бошқача эди, албатта. 1925—1926 йилларда шундай бўлган эди, ўша вақтда пропагандага кўпроқ эътибор берилар эди. Лекин ҳозир ҳам пропаганда ва агитация масалаларига, тарбия масалаларига эътибор беришимиз ва бу ишда раҳбарлик қилишимиз лозим. Маълумки область, ўлка партия комитетларининг ҳамда иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг районлараро газеталари ташкил қилинади. Партия ташкилотчилари газеталарнинг иши билан муттасил шуғулланишлари лозим, газеталар ишининг тўғри боришига биринчи навбатда улар жавоб берадилар.

Баъзи ўртоқлар: колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларини қаерга жойлаштириш керак, деб савол беришяпти. Бу бошқармаларни ишлаб чиқаришга яқинроқ турадиган қилиб, совхозларда ва колхозларда жойлаштириш жуда яхши бўлур эди. Ана шунда бошқарма ўзининг асосий вазифаси энг яхши колхозлар ва совхозларнинг тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдан иборат эканлигини кўриб туради. Бошқарма томонидан чақириладиган кенгашлар ҳам колхозда ва совхозда ўтказиладиган бўлади, одамлар ҳам конкрет намуналарни кўриб ўрганадиган бўладилар. Дастлабки пайтларда бошқармаларнинг ходимларини жойлаштириш қийинроқ бўлса керак, лекин кейинчалик бу вазифа ҳам ҳал қилинади. Аммо ҳозирча улар район марказларида турсалар керак. Совхозлар трестларини бевосита совхозларда жойлаштиришда қандай принцип тутган бўлсак, бунда ҳам худди ана шундай принцип тутишимиз лозим.

«Союзсельхозтехника»нинг ремонт базалари тўғрисида. Бу базалар ҳар бир районда бор, колхозларда ва совхозларда бўлган техникадан яхшироқ, тўлиқроқ фойдаланмоқ учун ҳозир бу базаларнинг ишини тўғри ташкил этиш талаб қилинади.

Шуни ҳам ўйлаб кўриш керакки, ишлаб чиқариш бошқармалари хўжаликларни кредитлар билан таъминлаш масалалари билан ҳам шуғулланадиган бўлсинлар.

Владимир области партия комитетининг секретари ўртоқ Пономарёв колхозлар ва совхозларга транспорт хизмати кўрсатиш тўғрисида савол берди. Бундан буён марказлаштирилган транспорт вужудга келтириш тўзукроқ бўлади, шундай қилинганида юкларни ташиб бериш тўғрисида пудрат шартномалари тузиб, бу транспортдан фойдаланиш мумкин бўлиб қолади. Одатда колхоз ва совхозда машиналардан мавсум юкларни ташиш учун фойдаланилмоқда. Транспорт ишини марказлаштирилган тарзда ташкил этган вақтда тартиб кўпроқ бўлади. Шундай қилинганида малакаси кўпроқ шоферлар ишлайдиган бўлади, техникага малакалироқ хизмат кўрсатиладиган бўлади. Лекин бу келажакнинг масаласи.

Ишлаб чиқариш бошқармаларига кадрларни танлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш керак. Қишлоқ хўжалигини билмайдиган, тегишли маълумоти бўлмаган кишиларни ишлаб чиқариш бошқармаларига юбориш фактлари ҳозирнинг ўзида содир бўлмоқда. Бундай қилиш зарарли эканлиги ҳаммага равшан. Кишининг қишлоқ хўжадиги маълумоти борми ёки йўқми эканлигига фақат ҳужжатга асосланиб бюрократларча баҳо бериш ярамайди, албатта. Баъзан шундай бўладики, махсус маълумоти бўлмаган киши қишлоқ хўжалигида кўп йил ишлаганлиги ва қишлоқ хўжалигини ўзиники қилиб олиб, унга меҳр қўйиб ишлаганлиги сабабли ўзининг билими жиҳатидан яхши агрономдан ҳам қолишмайдиган даражада бўлиб қолади. Лекин, қоида тариқасида, ишлаб чиқариш бошқармаларига тегишли маълумоти бўлган мутахассисларни танлаб олиш керак. Ишлаб чиқариш бошқармаларига ходимлар тайинланаётган ҳозирги вақтда бу бошқармаларни районда қаёққа тиқишга жой топилмай қолган кишилар билан тўлдирилишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Таянч-намуна хўжаликларида ишлаётган ўртоқлар ҳақида гапириб ўтай. Ҳар бир районда камида битта таянч-намуна хўжалиги бор, бу хўжаликнинг тўрт-беш, баъзан ундан ҳам кўпроқ мутахассислардан иборат штати бор. Кўпинча булар малакали кишилардир. Агар ишлаб чиқариш бошқармасига уч район қараса, у ҳолда таянч хўжаликларида 15 та мутахассис бўлади, демак, булар ишлаб чиқариш бошқармаси учун етарли дейиш мумкин. Ҳозир таянч хўжаликларида бўлган кишилар нима иш билан шуғулланади? Улар бажариб келган функцияларнинг кўпи энди керак бўлмай қолади-ку.

Таянч хўжаликларининг фаолиятига ҳам бюрократларча ёндашиш ярамайди. Бу хўжаликларга шундай штат берилганида хўжаликларни бошқаришда энг яхши муваффақиятлар таянч-н а м у н а хўжаликлари орқали тарқатилади, деб ўйланган эди. Энди бу вазифа ишлаб чиқариш бошқармаларига топширилди, бошқармалар бу вазифаларни активроқ бажарадиган бўладилар. Агар илгари биз кўрсатиш йўли билан

ЁШ ҚАЛБИМИЗ АЛАНГАСИ—ПАРТИЯГА, ВАТАНГА!

(Боши биринчи бетда)

энг муҳим воқеаси бўлди. Съезд совет халқининг олиб борган кураши ва эришган ғалабаларини якунлаштирди ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасини — ҳозирги даврнинг коммунистик манифестини қабул қилди.

Мамлакатимизнинг барча ёшлари билан бирга Ўзбекистон ёшлари ҳам партия XXII съездининг тарихий қарорларини қизғин маъқулладилар.

Шундан кейин докладчи айтдики, республика ёшлари партия XXII съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасида ўз олдида турган вазифаларни белгилаб чиқди, коммунизмнинг моддий техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Келажакнинг разведкачилари—коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари ва коммунистик меҳнат зарбдорлари саноатда ва транспортда энг янги ва илғор ҳаракатларнинг актив ташаббускорлари бўлмоқдалар. 10.820 коллектив коммунистик меҳнат ҳаракатида қатнашмоқда, 2578 бригадага коммунистик меҳнат коллективи номи, йигитлар ва қизлардан 41 мингдан ортиқ кишига коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрий ном берилди.

Республика комсомоли ва ёшлари техника тараққиёти учун курашда актив қатнашмоқдалар. Республика ёшларининг техникани тараққий эттириш мақсадида бошлаган ва тўрт йилдан бери давом этаётган юришида 180 мингдан ортиқ йигит ва қизлар қатнашмоқдалар.

Ҳисобот даврида ёш ишчилар, инженерлар ва техниклардан 55 мингдан кўпроқ рационализаторлик таклифлари тушди. Республикада 3 мингдан кўпроқ кишини, шу жумладан кўп ёшларни бирлаштирган ва жамоатчилик асосларида ишлайдиган 250 та конструкторлик бюролари тузилди.

Ўзбекистон комсомолининг XVI съездидан кейинги даврда қурилишларда ишлаётган комсомолларнинг активлиги ўсди. Йигит ва қизлардан 10 мингдан кўпроқ киши етти йиллик қурилишларига жўнаб кетди, комсомол химия, цемент саноати, энергетика, қурилиш индустриясининг энг муҳим 17 қурилишини ўз оталигига олди. Қувасой ва Оҳангарон цемент заводларини, Оҳангарон ва Таҳиатош ГРЭСларини, Бухоро—Урал газ қувурини, Жанубий Сурхон ва Чимқўрғон сув омборларини ва бошқа кўпгина объектларни қуришда актив қатнашмоқда.

Етти йилликнинг энг муҳим қурилишлари устидан комсомол оталигини давом эттириш, зарбдор қурилишлардаги комсомол штабларининг ишига раҳбарликни яхшилаш зарур, деб таъкидлайди докладчи.

Сўнгра ўртоқ Иброҳимов, айтадики, Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети март Пленумида қилган ажойиб докладида, Пленум қарорида мамлакатнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳволи чуқур таҳлил этилди, партия XXII съездининг қарорларини ва КПССнинг янги Программасини амалга ошириш юзасидан чинакам революцион тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Компартиясининг кечагина бўлиб ўтган пленуми республика партия ташкилотининг партия Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошириш соҳасидаги вазифаларини белгилаб берди. Бу вазифаларни амалга оширишда республика комсомоли муҳим роль ўйнаши керак.

Республикада шу йилнинг ўзидаёқ гектаридан 25 центнердан кам ҳосил оладиган битта ҳам комсомол-ёшлар бригадаси бўлмаслиги учун пахта ҳосилдорлигини кескин суратда ошириш вазифаси қўйилмоқда.

Бу йил колхоз ва совхоз далаларида 2400 комсомол-ёшлар бригадаси, кўп звенолар ишламоқда. Биз шунга эришмоғимиз керакки, ёшлар бригадалари пахта етиштиришдаги прогрессив янги методларни жорий қилишда намуна бўлсинлар.

Техникани тараққий эттириш манфаатлари механизатор кадрлар тайёрлашни яхшилашни талаб этади. Механизация ўқув юртларида, тракторчиларнинг курсларида йигит ва қизларни ўқитиш бундан буён ҳам республика комсомолининг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Бу йил камида 10 минг кишини механизаторлар ўқув юртлари ва курсларига ўқиш учун юбориш керак.

Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш — пахта етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим йўлларидан биридир. Қарийб 600 минг гектар янги ерни, бу йил эса, 80 минг гектар янги ерни ўзлаштириш керак. Пахтачиликнинг йирик районини вужудга келтириш тўғрисидаги ленинча идея муваффақиятли амалга оширилаётган Мирзачўлда меҳнат қилаётган комсомол вакилларининг ишлари билан фахрланамиз. Ёшларнинг кучи билан бу ерда шаҳар барпо қилинди, неча ўнлаб янги совхозлар ташкил этилди, ўзлаштирилган ерларда 160 минг тонна пахта ва бошқа кўп маҳсулотлар етиштирилди.

Мирзачўлни ва Қарши даштларини, Марказий Фарғонани ўзлаштириш — республика комсомолининг шарафли ишидир. Бу йил Мирзачўлга комсомол йўлланмалари билан 5 минг ёш пахтакор ва механизаторни юбориш зарур.

Тўрт йил ичида, дейди сўнгра докладчи, йигит ва қизлардан 44 минг киши чорвачилик соҳасида доимий ишлаш учун юборилди. Ёшлар 336 минг чўчқа, 168 минг бузоқ, 300 минг қуён ва 4 миллион бошдан кўп парранда боқиб ўстирдилар.

Аммо бу соҳада биринчи қадамгина қўйилди. Комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларидан тегишли хулосаларни чиқариб олишлари ва гўшт, сут ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини мўл-кўл қилиш йўлидаги курашда актив қатнашишлари керак.

Мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш — чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашда ҳал қилувчи ишдир. Ем-хашак бўлса гўшт ҳам, сут ҳам бўлади.

Бу йил 1364 комсомол-ёшлар бригадаларида маккажўхори етиштирилади. Бу яхши иш. Аммо, ҳозирги куннинг ўзидаёқ бонг уришимиз керак, чунки маккажўхори экиш учун ажратилган 160 минг гектар майдоннинг атиги 45,2 минг гектарига маккажўхори экилган. Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда бу соҳадаги ишлар бизни ташвишга солмоқда.

Нўхат, хашаки дуккакли экинлар, канд лавлагидан мўл ҳосил етиштиришга эришиш — қишлоқлардаги меҳнаткаш ёшларнинг бурчидир.

Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини юксалтириш — умумхалқ ишидир. Тошкент шаҳрининг ёшлари қишлоқни оталиққа олиб яхши ташаббус кўрсатдилар. Ёш ишчилар ишдан кейинги вақтларида қишлоқ механизаторлари учун тежалган материалларидан 3500 инструмент комплекти тайёрладилар, сигир соғадиган «арча» агрегатларини ўрнатишда тўрт колхозга ёрдам бердилар. Шаҳар комсомол ташкилоти колхоз ва совхозлардаги яслилар ва боғчалар учун 200 мудир тайёрламоқда. Комсомол ташкилотлари қишлоқлардаги клуб ва кутубхоналарда ишлайдиган ходимлар тайёрлаш курсларини ташкил этишга қарор берди.

Барча шаҳарлар ва ишчи посёлкаларида комсомоллар ана шу ташаббусдан ибрат олишлари керак.

Партиянинг XXII съезди, КПСС Программаси комсомолнинг энг асосий вазифаси йигит ва қизларни революцион традициялар асосида ишчилар, колхозчилар, интеллигентларнинг қаҳрамонона меҳнати намуналари, марксизм-ленинизмнинг улуғ идеялари асосида тарбиялашдан иборат деб кўрсатди.

Ҳозирги вақтда идеология соҳасидаги асосий иш — КПСС XXII съезднинг материалларини кенг пропаганда қилиш ва чуқур ўрганишдан иборат. Ёшлар марксчаленинча назарияни ўрганишга ғоят қизиқмоқдалар. Комсомол сиёсий маорифи шохобчаларининг бир ўзидагина 180 минг киши ўқимоқда, йигит ва қизлардан жами 410 минг киши сиёсий ўқишга жалб этилди. «Коммунизм — авлодимизнинг амалий вазифаси» деган тўгараклар, Ленининг ҳаёти ва революцион фаолиятига бағишланган лекциялар, мунозаралар, оғзаки ва рангли журналлар чиқариш, революция шуҳрати клублари, маданият университетлари, доимий лекторийлар, халқ театрлари, жамоат ҳунарлари мактаблари омма ўртасида кенг ёйилди.

Афсуски, биз идеология ишининг ҳаётдан, амалий, конкрет ишлардан ажралиб қолишига ҳали тамомила барҳам берганимизча йўқ. Комсомол ташкилотлари барча ёшларни ўз таъсирига олган, ҳар бир йигит ва қиз билан иш олиб бормоқда деб бўлмайди. Ёш авлодни тарбиялаш, ҳар бир йигит ва қизда коммунистик дунёқарашни шакллантириш соҳасида идеология ишининг барча формалари ва усулларидан тўла фойдаланиш зарур.

Ўртоқ Иброҳимов қизлар ўртасида олиб бориладиган ишлар ҳақида, қизларни раҳбар комсомол ишларига кўтариш тўғрисида гапиради. Бу соҳада кўп нуқсонлар бор. Ўзбекистон комсомол ташкилоти аъзоларининг атиги 38 процентини қизжувонлар ташкил этади. Бундан тез ва жиддий хулосалар чиқариб олиш керак. Феодал-бойларча муносабат сарқитларига қарши шафқатсиз кураш олиб бориш, қизжувонлар ўртасида тарбия ишларини яхшилаш, қиз-жувонларнинг меҳнатда ва жамоат ишларида актив қатнашишлари учун бутун шарт-шароитни вужудга келтириш зарур.

Физкультура ва спорт ёш авлоднинг ҳаётида катта ўрин тутади. Ҳисобот даврида Ўзбекистонда 268 спорт мастери, 4 мингдан кўпроқ биринчи разрядли спортчи ва бошқа разрядлар бўйича 190 минг спортчи тайёрланди. Физкультурачилар қаторига яна 400 мингга яқин киши қўшилди.

Комсомол ташкилотлари физкультура ҳаракатининг оммавийлиги учун, физкультура коллективларини мустаҳкамлаш, спортчиларнинг маҳоратини ошириш учун курашни давом эттиришлари лозим. Мактабларда физкультура ва спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш керак.

КПСС Марказий Комитети октябрь (1957 йил) тарихий Пленумидан кейин, дейди докладчи, республика комсомол ташкилотларининг ҳарбий қисмлардаги комсомол ташкилотлари билан алоқалари анча мустаҳкамланди ва кенгайди. Комсомол комитетлари ДОСААФ ташкилотлари билан биргаликда иш олиб бориш соҳасида тўпланган тажрибалардан фойдаланиб, ёшларни мудофаа жамиятлари сафига жалб этишга ҳаракат қилмоқдалар, спортнинг ҳарбий-амалий турларини ривожлантиришда актив қатнашмоқдалар.

Коммунистик жамият қурилиши авж олдирилган даврда совет мактабининг роли бениҳоя ўсади. Мактабни қайта қуриш тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан буён ўтган уч йил ичида ўрта мактаб шохобчалари кўпайди. 110 мактаб-интернат ташкил қилинди, кўпгина янги мактаб бинолари қурилди, икки мингдан кўпроқ идора бинолари мактаблар ихтиёрига топширилди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси мактабларнинг кўпчилигида бир сменали машғулотларга ўтиш имконини берди.

Биз, дейди докладчи, шубҳасиз муваффақиятларни қўлга киритганлигимизни таъкидлаш билан бирга айтишимиз керакки, комсомол комитетлари мактаб комсомолининг ишига ҳали ҳам етарли раҳбарлик қилмаётирлар, ўқувчиларнинг ўзлаштиришидаги аҳвол ташвиш тўғдирмоқда.

Н. С. Хрушчев Тошкентда ўтказилган зона кенгашида сўзлаган нутқида Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли мактаб ўқувчилар бригадасининг ишига юксак баҳо берди. Шу съездимиз делегати Дилбар Юсупова бу бригадага етакчилик қилмоқда. Бригада 36 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили олди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Дилбар Юсупова бошлиқ бригаданинг ишини маъқуллади.

Аммо, республикада ўқувчилардан тузилган ишлаб чиқариш бригадаларининг сони камайиб бормоқда. Маориф министрлиги эса ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларини бутун ҳоралар билан мустаҳкамлаш ўрнига бу бригадаларга таълим-ишлаб чиқариш бригадалари деган ном бериб, улар ҳузурида ишлаб чиқариш таълими учун моддий база вужудга келтирмоқчи бўлади. Бу эса ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими бериш тўғрисидаги низомга хилофдир.

Ҳисобот даврида республика пионер ташкилотининг ҳаёти сермазмун бўлди. Пионерларнинг активлиги, ташаббускорлигини бундан буён ҳам кучайтириш, пионер ташкилотларининг, хусусан саккиз йиллик мактаблардаги пионер ташкилотларининг ишларини юксак даражага кўтариш, бош вожатий бўлиб ишлайдиган кадрларни тўғри танлаш ва тарбиялаш зарур.

Сўнгра ўртоқ Иброҳимов олий ўқув юртларидаги комсомол ташкилотларининг фаолияти тўғрисига гапиради.

Докладчи студентлар ўртасида тарбия ишларини уюштиришда жиддий камчиликлар борлигини айтади. Тошкент политехника институтида ўқиш интизомини бузганлиги, яхши ўқимаганлиги, ахлоқий жиҳатдан бузуқлиги учун кейинги икки йил ичида 188 студент институтдан чиқарилган. Тошкент, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтлари ва Тошкент ирригация институтини тамомлаб чиққан студентлардан 200 га яқин киши тайинланган жойларга бормаган.

Комсомол ташкилотлари студентларни ва ўқувчиларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни яхшилашлари зарур.

Ҳисобот даври, дейди сўнгра ўртоқ Иброҳимов, комсомолнинг ташкилий-сиёсий жиҳатдан янада мустаҳкамланиши, комсомол ташкилотларининг жанговарлиги ошиши, уларнинг ёшлар билан алоқасининг мустаҳкамланиши билан характерланади.

Ўзбекистон комсомол ташкилоти ВЛКСМнинг жанговар отрядларидан биридир. Унинг сафларида қарийб 10 минг бошланғич комсомол ташкилоти ўз ичига олган 671 минг йигит ва қиз бор. Ҳисобот даврида ВЛКСМ сафига 80 минг киши янгидан қабул қилинди, 29 минг энг яхши комсомоллар жонажон Коммунистик партия сафига қабул қилинди, 600 га яқин комсомол ходимлари партия ва совет ишларига кўтарилдилар.

Шу билан бирга комсомол Марказий Комитети бюроси, область, шаҳар, район комсомол комитетларининг фаолиятида жиддий камчиликлар ҳам содир бўлди.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Қорақалпоғистон область партия комитетининг комсомол ташкилотларига раҳбарлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, область партия комитети ва комсомол Марказий Комитети ишидаги жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Биз республика комсомол ташкилотларининг ишини тубдан яхшилашга мажбурмиз, чунки Қорақалпоғистон комсомол ташкилоти ишидаги қайд қилиб ўтилган камчиликлар бошқа областлар учун ҳам характерлидир.

Ёшларни халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш, дейди докладчи, комсомол ташкилотларининг муқаддас вазифаси эди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Пировардида ўртоқ Иброҳимов, бундай деди:

Ҳаётда олга ташлаган ҳар бир қадамимиз, ҳар бир муваффақиятимиз ёш авлоднинг тарбиячиси ва ақл-идроки бўлган жонажон Ленин партиясининг доно раҳбарлиги билан боғлангандир. Партия! Бу сўз ҳар бир йигит ва қиз қалбида олам-олам фикр ва туйғуларни уйғотади. Шунинг учун ҳам Совет Ўзбекистонининг ёшлари мамлакатимиздаги бошқа ёшлар билан бир қаторда жонажон Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига, қардош Никита Сергеевич Хрушчевга чин қалбларидан миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ВЛКСМ Марказий Комитетини ишонтириб айтамизки, Ўзбекистон комсомоли ва барча ёшлари жонажон Коммунистик партия, унинг ленинча Марказий Комитети атрофига яна да мустаҳкамроқ жипслашадилар, бундан буён ҳам партияга қатъият билан, оғишмай эргашадилар, ўзларининг бутун кучларини, маҳорат ва қобилиятларини партия XXII съезди илгари сурган улуғвор вазифаларни амалга оширишга, мамлакатимизда коммунизм қурилишига бағишлайдилар.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон ЛКСМ ревизия комиссиясининг ҳисоботи эшитилди. Бу ҳақда ревизия комиссиясининг раиси **М. Я. Бурев** доклад қилди.

Докладлар юзасидан музокаралар бошланди.

Ўзбекистондаги илғор Хоразм областининг комсомоллари пахтачиликни янада юксалтириш учун курашда коммунистларнинг забардаст ёрдамчилари бўлиб қолдилар. Хоразм область комсомол комитетининг биринчи секретари **А. Қўчқоров** съезд минбарига чиқиб айтдики, областда ёшлардан икки юзтадан кўпроқ трактор-далачилик бригадалари тузилди, бу бригадалар етти йиллик тўртинчи йилининг баҳорини шай бўлиб кутиб олдилар, ўзларининг юксак социалистик мажбуриятларини амалий иш билан бажармоқдалар. Комсомол ташкилотлари гектар бошига 25 центнердан кам ҳосил бераётган уч юзга яқин бригадани ўз оталикларига олдилар.

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари **Н. Е. Барков** минбарга чиқади. Республика пойтахтининг комсомоллари, дейди у, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларига жавобан қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарини оталикка олдилар. Улар техникани тараққий эттириш учун бошланган юришда актив қатнашмоқдалар. колхозлар ва совхозларга юборилаётган машиналар ва механизмларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳамда уларнинг сифатини яхшилашга эришмоқдалар. Қишлоққа оталик ёрдами кўрсатиш масалалари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари асосида янгича ҳал қилинмоқда. Шаҳарда қишлоқ клубларига, кутубхоналар ва болалар муассасаларига ходимлар тайёрлаб берадиган мактаб жамоатчилик асосида ташкил қилинмоқда, сут соғиш машиналарини ремонт қилишда қишлоқ механизаторларига ёрдам кўрсатиш учун ёш мутахассислардан 55 киши чорвачилик фермаларига юборилди. Коммунистик мўл-кўлчиликни тезроқ вужудга келтиришда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига ўз меҳнатингиз билан кўмаклашингиз, деб партия томонидан қилинган чақириқни ёш ватанпарварларнинг кўплари чин юракдан қабул қилдилар.

КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини ёшларнинг ҳар қайсисига чуқур тушунтириш, ёшларни коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари қилиб тарбиялаш, деди нотиқ, комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Пахтачиликнинг донгдор устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор **М. Жалолов** ўз бригадасининг иши ҳақида сўзлаб берди.

Кўқон тикувчилик фабрикасидаги коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари, СССР Олий Советининг депутати **Т. Кардаш**нинг нутқини съезд қатнашчилари қизғин кутиб олдилар.

Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари **М. Қурбонов** Ўзбекистон пойтахт области комсомолларининг шонли ишлари ҳақида съезд делегатларига гапириб берди. Ёш ватанпарварлар саноатда ва қишлоқ хўжалигида техника тараққиёти учун курашнинг олдинги сафида бормоқдалар.

Коммунистик меҳнат коллективи деган фахрий ном олишга сазовор бўлган 2 минг коллектив ва шу фахрли номни олиш учун муваффақиятли равишда мусобақа қилаётган 6 минг коллектив коммунистик меҳнат ҳаракатида қатнашиб, жуда кўп яхши ташаббусларни бошлаб бермоқдалар.

Область далаларининг меҳнаткашлари ҳам ёш ишчилардан, бинокорлардан қолишмаётирлар. Комсомол обкомининг ташаббуси билан ёш ватанпарварлар орасида бу йил оқ олтиндан 35—40 центнер ҳосил олиш учун мусобақа авж олиб кетди. Комсомол-ёшлар бригадаларидан 300 дан кўпроқ бригада бу мусобақага қўшилди.

Атоқли шоир **Ғафур Ғулом** съезд делегатларини Ўзбекистоннинг ёзувчилари ва барча зиёлилари номидан қизғин табриклади.

Қарши районидаги Энгельс номли колхоз сут соғувчиси **Х. Даминова** сут фермасида ишлаб ортирган тажрибаларини гапириб берди. Бундан бир неча йил муқаддам фермада ишлашга кириш-ган Даминова ўзининг меҳнат кўрсаткичларини йилдан-йилга ошириб ди ва сигирларни машинада соғиш усулини яқинда эгаллаб олди.

Андижон область комсомол комитетининг биринчи секретари **А. Исмонлов** ўз нутқида КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини бажариш комсомол ташкилотларининг жонажон иши бўлиб қолганлигини кўрсатувчи кўпгина ёрқин мисолларни айтиб берди.

Тўртинчи механизациялашган қурилиш колоннаси комсомол ташкилотининг секретари **В. Позднняков** Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши бўлган Бухоро-Урал газ қувурини қурувчилари номидан съезд делгатларини қизғин табриклади.

Мана шу жуда катта «зангори олов» магистралида қувур ётқизиш ишида ишлаётган ёшлар, деди у, Ўзбекистон комсомолининг XVII съездига совға қилиб 100 километр газ қувурини муддатидан 18 кун олдин ётқизиб бўлдилар.

Самарқанд область комсомол комитетининг биринчи секретари **Р. Абдуллаева** сўзга чиқиб айтдики, область комсомоллари Мирзачўлни ўзлаштириш ишларини ўз оталикларига олишга ва ёшлардан 3 минг кишини янги хўжаликларга юборишга қарор қилдилар.

Мўйноқ районидаги «Октябрь 15 йиллиги» колхозининг балиқчиси **А. Асанов** мактабни тамомлашбиланоқ, колхозга бориб ишлашга киришган балиқчи комсомол-ёшлар бригадасининг ишлари ҳақида гапирди.

Ўзбекистон ССР маориф министри **Э. К. Қодиров** мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонунни амалга ошириш соҳасида республикада қилинаётган катта ишлар тўғрисида ва халқ маорифи системаси қандай қайта қурилганлиги тўғрисида батафсил гапирди, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишда педагогларнинг комсомол ташкилотлари билан амалий алоқада бўлиб иш олиб боришларининг аҳамиятини айтиб ўтди.

Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозида маккажўхори экиш билан шуғулланаётган комплекс механизация бригадасининг бошлиғи **Н. Нам** сўзга чиқиб айтдики, бу колхоз комсомол ташкилотининг ҳисобида беш юздан кўпроқ комсомол бор. Улар аҳил оила бўлиб яшамоқдалар. Турли миллатларнинг—ўзбеклар ва руслар, қозоқлар ва қорақалпоқлар, туркманлар, корейслар ва татарлардан иборат бўлган колхоз ёшлари иноқ бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўрта Осиё машина синаш станциясининг механик-ҳайдовчиси **В. А. Тюпко** Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг ташаббуси билан тузилган илғор тажриба мактаблари нақадар катта фойда етказаётганлиги ҳақида гапирди. Шу станцияда тузилган илғор тажриба мактабини уч юз элликдан кўпроқ киши, шу жумладан қардош республикалардан келган механизаторлар ҳам тамомлаб чиқди. Улар пахтачиликни тўла механизациялаш учун ишлатиладиган машиналарнинг ҳаммасини батафсил ўрганиб олдилар ва ҳеч шубҳасиз, олган билимларини ўз хўжаликларида билиб татбиқ қиладилар, ўзларининг мусобақадош ўртоқларига ҳам бу тажрибаларни ўргатадилар.

Республика «Ёш гвардия» нашриётининг директори **С. Йўлдошев** сўзга чиқиб айтдики, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда бадиий адабиётнинг роли катта. Ёшлар яхши китобни севадилар ва қадрлайдилар, шу китобларда тасвирланган қаҳрамонлардан ибрат олишга интиладилар. Шу сабабли, ёш китобхонлар учун яхши китоблар яратиш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиш, китобларнинг ғоявий ва бадиий сифатига нисбатан юксак даражада талабчан бўлиш керак.

«Ташсельмаш» наладчиги **Т. Ҳайдаров** ўз нутқида айтдики, завод комсомол ташкилоти ўз ишида коммунистик меҳнат учун, техника тараққиёти учун, янги кишини тарбиялаш учун курашга асосий эътибор бермоқда.

Съезд мандат комиссиясининг докладини тинглади ва тасдиқлади. Бу ҳақда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири, мандат комиссиясининг раиси **Д. Қосимов** доклад қилди.

Тошкент шаҳрининг пионерлари съезд қатнашчиларини самимий табриклидилар.

Съезд Москва шаҳар комсомол конференциясининг қатнашчиларига табрик телеграммаси юборди. Қозоғистон ва Тожикистон комсомол Марказий Комитетларидан, Калуга областининг комсомолларидан съезд номига олинган табриклар, шунингдек бошқа табриклар ўқиб берилди.

Ўзбекистон комсомоли XVII съездининг 29 марта охирги мажлиси бўлди.

Эрталаб докладларни муҳокама қилиш давом этди. Музокаралардa Туркистон Ҳарбий Округи сиёсий бошқармаси бошлиғининг комсомол иши бўйича ёрдамчиси **И. А. Ларин**, Қорақалпоғистон комсомол обкомининг биринчи секретари **К. Қозоқбоев**, Денов район комсомол комитетининг биринчи секретари **Д. Қирғизбоев**, Чиноз районидаги Киров номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг раҳбари, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Т. Охунова**, Фарғона область комсомол комитетининг биринчи секретари **Т. Саидбоев**, Мирзачўлдаги бешинчи совхоз комплекс-механизация бригадасининг раҳбари **Г. Абдуллаев**, Бухоро область комсомол комитетининг иккинчи секретари **Г. Резниченко**, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг бригадири, СССР Олий Советининг депутати **Л. Ли** қатнашдилар.

Съезд делегатларини Туркистон Ҳарбий Округининг жангчилари табриклади. Улар номидан офицер **Б. Н. Логинов** гапирди.

Съездда ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **М. И. Журавлева** нутқ сўзлади.

ВЛКСМ Марказий Комитети, деди у, Ўзбекистон комсомол ташкилотининг мамлакатимизнинг энг яхши комсомол ташкилотларидан бири тарақасида неча марталаб қайд қилди. Республика комсомол ташкилоти кўп марталаб ажойиб ташаббусларни бошлаб берди. Бу ташаббусларни ВЛКСМ Марказий Комитети маъқуллади ва бошқа республикаларнинг ёшлари қувватладилар. Ўзбекистон комсомол ташкилотининг катта хизмати шуки, у, пахтачиликни комплекс механизациялаш, қизларни техникани эгаллаш учун бошланган юришга кенг тортиш, Мирзачўлдаги ва Марказий Фарғонадаги янги ерларни ўзлаштириш ишида, етти йилликнинг зарбдор қурилишларидаги ишларни жадаллаштиришда зўр ташаббус кўрсатди. Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети, область комсомол ташкилотлари КПСС XXII съезди томонидан комсомол олдига қўйилган кўпгина муҳим вазифаларни ҳал қилишда катта ишчанлик ва жанговарлик кўрсатдилар.

Ўртоқ Журавлева ёшларнинг коммунистик қурилишдаги активлигини янада кучайтириш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларга съезд делегатларининг эътиборини жалб қилди.

Ҳозир мамлакатимизнинг комсомоли катта воқеа олдида турибди. Ярим ойдан кейин ВЛКСМнинг XIV съезди ўз ишини бошлайди. Бу съезд комсомолнинг жанговар тўрт йил ичида қилган ишларини якунлайди. Бу съездни муносиб ишлар билан кутиб олайлик!. Ўзбекистон комсомол ташкилоти ҳамиша Ленин комсомолининг энг яхши отрядларидан бири бўлиб қолишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Съезд қатнашчилари томонидан қизғин кутиб олинган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** съездда нутқ сўзлади. У, съезд делегатларини ва улар орқали республиканинг барча комсомолларини, ҳамма ёшларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан қизғин табриклади.

Мамлакатимиздаги коммунистик қурилишнинг, ҳар бир иттифоқчи республикада, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам экономикани ва маданиятни янада мислсиз юксалтиришнинг КПСС XXII съезди белгилаб берган жуда улуғ истиқболлари, деди ўртоқ Рашидов, совет ёшларининг ижодий активлигини, талантлари ва қобилиятларини ривожлантириш учун мислсиз кенг майдон очиб берди. Коммунистик партия, совет ёшларининг катта дўсти Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Ленинчи Марказий Комитет ёш авлодни тарбиялаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Мамнуният билан шуни қайд қилиш мумкинки, ВЛКСМнинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон комсомоли кутилган умидларни шараф билан оқламоқда, улуғ революцион традицияларнинг ворислари бўлган ленинчилар республика коммунистларининг муносиб ўринбосарлари бўлиб ўсмоқдалар.

Республика комсомол Марказий Комитетининг ҳисобот докладида ва делегатларнинг нутқларида азамат ёшларимиз қаҳрамонона меҳнат қилаётганликларини, фойдали ташаббусларни бошлаб бераётганликларини, ижодий изланишларни кучайтириб, шонли ишларни бажараётганликларини кўрсатувчи кўпгина ажойиб мисоллар келтирилди. Лекин партия бизга шуни таълим бермоқдаки, эришилган галабаларни якунлаш вақтида камчиликларни унутмаслик, бу камчиликларни дангал очиб ташлаш, бу камчиликларни йўқотиш чораларини белгилаб олиш ва амалга ошириш керак. Бизнинг ишимизда эса, камчиликлар ҳали кўп. Берган сўзингнинг устидан чиқ, олган мажбуриятингни бажар, деган большевистик шиор комсомолларнинг, ҳамма ёшларимизнинг шиори бўлиши лозим!

Ўртоқ Рашидов қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада зўр куч билан юксалтирмоқ учун республикада бўлган жуда катта резерблар тўғрисида батафсил гапириб ўтди. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг юксак талаблари асосида қишлоқ хўжалигини янада тез ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Далаларнинг ҳосилдорлигини ошириш, ҳарбир хўжаликнинг гектар бошига камида 25 центнер пахта оладиган бўлишига эришиш ҳозир асосий вазифадир. Комсомол мўл ҳосил учун бошланган ватанпарварлик ҳаракатида актив қатнашмоғи, бу ҳаракатга барча ёшларни тортмоғи лозим. Комсомоллар деҳқончилик маданиятини ошириш учун, пахта-маккажўхори-беда алмашлаб экишни ҳамма жойда жорий қилиш учун, прогрессив агротехника усулларига қатъий равишда риоя қилиш учун курашда ташаббусчи бўлишлари керак.

Донгдор механизатор Маннон Жалолов Марказий Фарғонадаги янги ерларга ўзининг бригадаси билан бирга кўчиб бориб, кўрсатган ташаббусига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети юксак баҳо берди. Бу — чинакам гражданлик шижоатидир. Маннон Жалолов бригадасининг ва бу бригада ишдошларининг ажойиб намунаси ёшларимизни қўриқ ерларни ўзлаштириш учун курашда янги муваффақиятларга чақиради.

Етти йилликнинг тўртинчи йилидаги бизнинг маррамиз 3 миллион 350 минг тонна «оқ олтин»ни етиштириб беришдир. Биз қийинчиликларга қарамай, қандай қилиб бўлса ҳам, бу маррага эришмоғимиз керак. Аммо, йўлимизда учрайдиган қийинчиликлар оз эмас. Бу йил сув ўтган йилдагидан ҳам кам бўлади. Сув камчиллиги натижасида туғиладиган қийинчиликни енгмоқ учун алоҳида уюшқоқлик билан, мустаҳкам ирода билан ишлашимиз, хўжаликни бошқаришнинг юксак намуналарини кўрсатишимиз лозим. Ёшлар сувнинг талон-тарож қилиниши ва исроф қилинишига қарши мустаҳкам ғов солсинлар. Ҳар бир ёш колхозчи ва совхоз ишчиси сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш намунасини кўрсатсин.

Чигит экишни аъло даражада ўтказиш, пахтачиликда техника тараққиётини янада жорий қилишни таъминлаш зарур. Ёшлар комплекс механизация учун курашнинг олдинги сафида бўлишлари лозим. Халқимизнинг шонли қизи Турсуной Охунованинг ва унинг издошларининг илҳомбахш намунаси янгидан-янги минг-минглаб йигитларимиз ва қизларимизнинг қалбида ғайрат алангасини қучайтирсин.

Ўзбекистон партия ташкилоти ўтган йиллардаги хатоларни тузатиб, КПСС Марказий Комитетининг катта ёрдамига суяниб, сув хўжалиги қурилишини ривожлантиришга ғайрат билан киришди. Бу йилнинг ўзидаёқ Қарши чўлини планли равишда ўзлаштириш бошланади. Бу иш бутун партия ташкилотининг, бутун комсомол ташкилотининг, Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг ишидир. Бошқа муҳим ирригация қурилишларида ҳам катта иш программасини амалга оширишимиз керак. Ёшлар сув учун курашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Пахта етиштиришни тинмай кўпайтириш билан бир вақтда, чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрликни ҳам кучайтириш зарур. Чорвачиликнинг емхашак базасини мустаҳкамлаш, маккажўхори, қанд лавлаги, нўхот ва бошқа озуқа экинларидан мўл ҳосил етиштириш биринчи даражадаги муҳим вазифадир. Ёшлар чорвачиликка мустаҳкам ем-хашак базаси яратиб бериш учун курашда катта матонат билан, дадил бўлиб ва қунт билан иш олиб боришлари лозим.

Комсомол комитетларининг энг муҳим вазифаси шуки, улар КПСС Марказий Комитети март пленумининг қарорларини ҳамма ёшларга чуқур тушунтиришлари лозим. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи территориал бошқармаларнинг муваффақиятли ишлашига бутун чорал

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Совет ҳукумати Жазоир Республикаси Муваққат ҳукуматини расмий суратда танилганлиги муносабати билан Франция ҳукумати баёнот эълон қилиб, СССР ҳукуматининг ана шу тадбирларини Францияга нисбатан нодўстона бир ҳаракат деб кўрсатишга уринди. Франция Ташқи ишлар министрлигининг 26 мартда эълон қилинган баёнотида Франция томонининг фикрича, Франция-Совет муносабатларини элчилар даражасида сақлаб қолиш мумкин бўлмай қолди ва Франциянинг СССРдаги элчиси М. Дежан маслаҳатлашиш учун Парижга чақирилади, дейилган.

СССР ташқи ишлар министри вазифасини ижро этувчи В. В. Кузнецов шу муносабат билан Совет ҳукуматининг топшириғига биноан Франциянинг Москвадаги элчисини қабул қилди ва Совет Иттифоқининг Жазоир масаласидаги позициясини унга баён қилиб берди, шунингдек Франция ҳукуматининг мазкур ҳаракатлари моҳияти ҳақида Совет ҳукуматининг фикрини билдирди. СССРнинг Франциядаги элчиси С. А. Виноградов Франция ташқи ишлар министри М. Кув де Мюрвилга худди шу мазмундаги баёнотни топширди.

Франция томонига айтилдики, Совет ҳукумати Франция ҳукуматининг ҳаракатларидан гоят таажжубланганлигини изҳор қилмай қололмайди. Бутун фактларга қараб фикр юритгандэ, Франция ҳукумати Совет ҳукуматининг Франция билан дўстона муносабатларни бутун чоралар билан мустаҳкамлашдан иборат эзгу ниятларини тушунмади, ёки бу ниятларга тегишлича баҳо бермади. Совет Иттифоқи Франциянинг француз ва жазоир халқларининг манфаатларини эътиборга олиб, Жазоир проблемасини музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиши учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўрди.

СССР Ташқи ишлар министрлигининг баёнотида бундай дейилади: Совет Иттифоқининг Жазоир Республикаси Муваққат ҳукуматига нисбатан муносабати Франция ҳукумати учун кутилмаган қандайдир янги бир нарса бўлиб туюлмаслиги керак эди. Совет ҳукумати Жазоир Республикасининг Муваққат ҳукуматини Жазоир халқининг ҳоҳиш ва манфаатларини қонуний тартибда ифода этувчи бирдан-бир ҳукумат, деб Жазоир халқининг миллий-озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашининг раҳбари деб ҳисоблаганлигини бир неча бор айтди.

Биз дейилади баёнотда, Жазоирда урушнинг тўхтатилишини ва битимлар имзоланишини табриклаш билан бирга, Жазоир халқига нисбатан ҳам, француз халқига нисбатан ҳам дўстлик ва самимий хайрихоҳлик туйғуларини изҳор қиламиз. СССРнинг Жазоир Республикаси Муваққат ҳукуматини расмий равишда танилганлиги амалда Францияга бирор даражада бўлса ҳам қарши қаратилган эмас.

СССР Ташқи ишлар министрлигининг баёнотида таъкидлаб айтилганидек, Франция билан СССР ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувини истаётган кишиларгина СССРнинг Жазоир масаласидаги позициясини Францияга ва француз халқига нисбатан нодўстона бир ҳаракат деб кўрсатишлари мумкин.

СССР ҳукумати Жазоир Республикаси Муваққат ҳукуматини расмий суратда танилганлиги муносабати билан Франция ҳукуматининг қилаётган ҳаракатларини Франция-Совет муносабатларини ёмонлаштиришга қаратилган тадбирдан бошқа бир нарса деб қараш мумкин эмас. Совет ҳукумати СССР билан Франция ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви учун ва бундан келиб чиқадиган оқибатлар учун бутун жавобгарлик Франция ҳукуматининг зиммасига тушади, деб таъкидлашни зарур деб ҳисоблайди. (ТАСС).

ИЖОДИМИЗ—ПАРТИЯГА, ХАЛҚҚА

ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИНИНГ VII СЪЕЗДИДАН

Ўзбекистон рассомларининг VII съезди икки кун давом қилиб, 28 мартда ёпилди.

Ўзбекистон Рассомлари союзи правлениесининг раиси И. И. Икромов доклади, съезд делегатларининг нутқлари партия XXII съездининг қарорлари, бу съездда қабул қилинган Программа ижодкор интеллигенциянинг илҳом манбаидир, деган фикр билан суғорилган эди.

Халқнинг турмуши билан алоқани мустаҳкамлаш, социалистик воқеликнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳаққоний ва юксак бадиий равишда акс эттириш, коммунистик турмушимиздаги чинакам ҳақиқатни, янгиликни завқ-шавқ билан ёрқин гавдалантириб бериш ва жамиятнинг олға боришига қаршилик кўрсатаётган нарсаларнинг ҳаммасини фош қилиб ташлаш — КПСС Программасида адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги бош йўл деб белгилаб берилган мана шу вазифалар ҳақидаги гаплар республика рассомларининг съездида катта ўрин олди.

— Ўзбекистон рассомлари, — деди рассом П. Пантюхин, — турмушга актив кириб бормоқдалар. Ишчилар, колхозчилар, бинокорлар билан ўтказилган учрашувлар, Газли, Бекобод, Оҳангарон, Олмаликдаги корхоналарга ва қурилишларга, Мирзачўлга ва Фарғона водийсига қилинган сафарлар ижодларнинг тематикасида ўз ифодасини топди. У. Тансиқбоев, К. Богодухов, Б. Бринских, М. Есин, М. Губанов, М. Калантаров саноатга бағишланган пейзажлар яратдилар, Р. Аҳмедов ва В. Фадеев ишчиларнинг ва дала меҳнаткашларининг портретларини чиздилар. Рассомлар меҳнат темасида бир қанча полотнолар яратдилар. Л. Абдуллаевнинг «Бизнинг партиямиз» ва «Колхоз ҳаёти», А. Кривоносовнинг «Н. С. Хрушчев пахтакорлар орасида», В. Нечаевнинг «Ленин йўлидан», Р. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон» деган полотнолари, В. Жимакин ва В. Соседовнинг «Совет Ўзбекистони» деган триптихи, Н. Қўзибоевнинг «Рус ва ўзбек халқларининг дўстлиги» деган полотноси шулар жумласидандир. Минглаб томошабинлар кўригидан ўтган мана шу ва бошқа асарлар меҳнаткашларни гоявий тарбиялаш ишига муҳим ҳисса қўшди.

Кўп нотиқлар шуни уқтириб ўтдиларки, замонавийлик ижодкорликнинг асосий темасидир, замонамизнинг қаҳрамони чинакам граждан бўлган рассомнинг диққат марказида туриши керак. Р. Темуров, Э. Калантаров, К. Саипов, С. Редькин бу темалар Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Нукус рассомларининг ижодида қандай ҳал қилинаётганлиги ҳақида гапирдилар.

М. Ладур «Декоративное искусство СССР» журналининг бош редактори, Эстония рассоми Э. Эйнман (СССР Рассомлар союзи правлениесининг секретари), санъатшунос Б. Веймарн (Москва) ўз нутқларида Ўзбекистон рассомларининг маҳорати кейинги йилларда анча ўсганлигини, бир қанча етук ва ёш рассомлар, ҳайкалтарошларнинг асарлари бошқа республикаларда ҳам кенг таниллганлигини, чет эллардаги выставкаларда кўрсатилганлигини айтиб ўтдилар.

Лекин съездда хотиржамлик кайфияти сезилмади. Делегатлар ўз нутқларида ўзларига нисбатан юксак талабчанлик билан гапирдилар.

Рассом В. Кайдалов, санъатшунос В. Ремпелнинг нутқлари маҳорат проблемасига бағишланди. Ўзбекистон рассомлари союзи правлениеси ижодий мунозаралари камдан-кам ўтказади, асарлар камдан-кам коллектив бўлиб муҳокама қилинади. Айрим рассомлар ўз маҳоратларининг камчилигини «теманинг актуаллиги» билан «тўлдиришга» уринадилар. Правление ва секциялар рассомларнинг ижодий изланишларига кўпинча етарли эътибор бермайдилар.

Рассом Т. Аҳмедов ёш рассомлар айниқса ғамхўрликка муҳтож эканлиги ҳақида гапирди. Союз правлениеси театр-рассомлик институтини тамомлаб чиқаётганларга ҳали ҳам кам эътибор бермоқда.

Нақшкор уста В. Фозилов усталарнинг ўрнини босадиган нақшлар тайёрлаш тўғрисида, халқ ижоди традицияларини ривожлантириш ҳақида гапирди.

Кўп нотиқлар рассомларнинг коллективида ижодий дўстликни мустаҳкамлаш, амалий принципиал танқидни ривожлантириш, ижодий секцияларнинг ишини жонлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ССР Маданият министри С. М. Муҳамедов съездда нутқ сўзлаб, партиянинг XXII съезди, КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми сингари замонамизнинг улуғ воқеалари санъатни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирди.

Нотиқ республика рассомларининг фаолиятидаги бир қанча ижобий томонларни қайд қилиб, тасвирий санъатнинг айрим формалари ва жанрлари ҳали ҳам орқада қолаётганлигини кўрсатиб ўтди. Є. М. Муҳамедов министрлик шаънига айтилган бир қанча мулоҳазаларнинг тўғрилигини эътироф қилди.

Музокараларда рассомлардан А. Абдуллаев, В. Петров, В. Зеликов, Р. Аҳмедов, Р. Левицкий, Л. Панченко, М. Усмонов ва бошқалар ҳам қатнашди.

Москва, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Эстония санъаткорлар жамоатчилигининг вакиллари, Ўзбекистон Рассомлар союзи отаалигидаги иккинчи интернат-мактабнинг пионерлари съездни табриклдилар.

Съезд қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга ёзилган табрикни зўр активлик билан қабул қилдилар.

Ўзбекистон рассомлари союзи правлениесининг янги состави ва рассомларнинг Бутунит и ф о қ съездига делегатлар сайланди.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири М. М. Раҳмонқулов қатнашдилар.

* * *

Ўзбекистон рассомлар союзи правлениесининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. И. И. Икромов правление раиси қилиб, Ч. Ахмаров ва Т. Аҳмедов раис ўринбосарлари қилиб, А. А. Кривонос масъул секретарь қилиб сайланди. Ревизия комиссияси раислигига В. В. Левицкий сайланди. (ЎзТАГ).

ВЦСПСнинг IX ПЛЕНУМИ

Москвада Союзлар уйининг Колонна залида ВЦСПСнинг IX Пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида иштирок этиш учун касаба союзлар республика, ўлка, область Советларининг раислари, ВЦСПС составига кирмайдиган касаба союзлар Марказий Комитетларининг раислари ва секретарлари, министрлар, Давлат комитетларининг раислари, бошқа марказий муассасаларнинг раҳбарлари, партия ва совет ташкилотларининг ходимлари таклиф этилди.

Пленумда шунингдек қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат саноати ишчилари ва хизматчилари касаба союзларининг республика, ўлка ва область комитетларининг раислари, совхозлардаги ишчи комитетларининг ҳамда машинасозлик, химия саноати корхоналаридаги завод комитетларининг, илмий-техника жамиятлари область правлениеларининг раислари, Бутуниттифоқ ихтиночилар ва рационализаторлар жамияти республика, ўлка ва область Советларининг раислари, марказий газеталар ва журналларнинг редакторлари, ВЦСПС аппаратининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Пленумда ВЦСПС раиси В. В. Гришиннинг КПСС Марказий Комитети март Пленуминнинг «Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи ва партиянинг қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги вазифалари» ҳақидаги қарори муносабати билан касаба союзларининг иши тўғрисида доқладини эшитди ва муҳокама қилди.

Халқаро аҳвол

Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришда Гвинея Республикаси ҳукуматига катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Конакридаги икки госпиталь энг янги медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозлангандир. Бу ерда СССР ва Чехословакиядан келган врачлар ҳамда медицина ҳамширалари ишлаб турибди. Суратда: Конакридаги минг кишига мўлжаллаб қурилган госпиталь.

ЧТА — ТАСС фотоси.

А. А. ГРОМИКО ҲУЗУРИДА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ЖЕНЕВА, 28 март. (ТАСС махсус мухбири). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қуролсизланиш бўйича 18 давлат комитети ишларида қатнашаётган социалистик мамлакатлар делегациялари шарафига кеча қабул маросими ўтказди.

Самимий дўстона вазнятда ўтган қабул маросимида Болгария Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри К. Луканов, Польша Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри А. Рапацкий, Руминия Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри К. Мэнеску, Чехословакия Социалистик Республикасининг ташқи ишлар министри В. Давид, СССР, БХР, ПХР, РХР ва ЧСР делегацияларининг аъзолари, шунингдек журналистлар бор эдилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЦЕЙЛОН ХАЛҚИГА ЭҲСОНИ

КОЛОМБО, 27 март. (ТАСС). Цейлонда полиомелит кўплаб тарқаб кетганлиги муносабати билан мамлакат ҳукумати ўзига полиомелитга қарши вакцина беришни сўраб, бир қанча давлатларга, шу жумладан Совет ҳукуматига мурожаат қилган эди. Совет Иттифоқи бу илтимосни дарҳол бажо келтирди. Кеча СССРнинг Цейлондаги элчиси Н. Я. Тараканов Цейлон соғлиқни сақлаш министри Жайясурияга полиомелитга қарши вакцинадан 200 минг доза топширди. Жайясурия ана шу дўстона эҳсон учун Н. Я. Тараканова Цейлон ҳукумати ва халқи номидан миннатдорчилик билдирди. Бугун эрталаб мамлакатнинг ҳамма қисмида очилган махсус марказларда аҳолига вакцина ичирила бошланди.

А. А. ГРОМИКО ЖЕНЕВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ЖЕНЕВА, 29 март. (ТАСС махсус мухбири). Қуролсизланиш бўйича шуғулланувчи 18 давлат комитетининг ишида қатнашиш учун келган СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бугун эрталаб махсус самолетда Женевадан Москвага учиб кетди. СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов ва А. А. Громиконинг ҳамроҳлари ҳам А. А. Громико билан бирга Москвага учиб кетдилар.

ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

▲ Японияда яшаган корейслардан яна бир группаси Японнидан Корея Халқ Демократик Республикасига қайтиб келди.

▲ Германия Федератив Республикаси металлистлар касаба союзининг маълумотларига кўра, биргина 1960 йилнинг ўзида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар натижасида 5.000 киши ҳалок бўлган. 3 миллион ишчи майиб бўлган ва шикастланган, шулардан 110.000 ишчи оғир лат еган. Корхоналарда врачлар билан техника хавфсизлиги инженерларининг етишмаслиги қаттиқ сезилмоқда.

▲ Японнядаги «Кисима танко» кўмир компаниясига қарашли Кохоку шаҳри районидаги шахтада фалокат юз берди. Кон ичида тоғ жинслари ўпирилиб тушиб, 20 шахтёрни босиб қолди. Авария командалари 15 кишини қутқаришга муваффақ бўлди, шулардан 6 кишининг аҳволи жуда оғир. Қолган ишчиларнинг нима бўлгани маълум эмас.

▲ Америка қуролли кучлари Жанубий Вьетнамда ва Шарқий-Жанубий Осиёнинг бошқа районларида интервенцияни янада кенгайтиришга ҳозирланиб, Филиппинга қарашли Минданао ороли районида «партизанларга қарши» жуда катта маневрлар бошлаб юборди. Бу маневрларда Америка ва Филиппининг 37 минг солдати, 78 та ҳарбий кема, 350 та самолёт ва 60 та вертолёт қатнашмоқда. (ТАСС).

АРГЕНТИНАДА ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ

НЬЮ-ЙОРК, 29 март. (ТАСС). Информация агентликларининг Буэнос-Айресдан берган хабарларида айтилишича, армия ва ҳарбий-денгиз кучлари бўйича давлат секретарлари, Аргентина президенти Артуро Фрондиси ўз вазифасидан олиб ташланди, деб эълон қилганлар. Қуриқлиқдаги қўшинлар қўмондони генерал Рауль Погги томонидан барча ҳарбий гарнизонларга юборилган хатда, Фрондиси президентлик мансабидан олиб ташланганлиги ва бу қарор қатъий эканлиги айтилади. Олий ҳарбий доираларнинг вакиллари шунингдек сенат раиси Хозе Марио Гидо мамлакат президенти қилиниб, Фрондиси ўрнига тайинланади, деб эълон қилганлар.

Фрондиси ҳарбийларнинг ультиматумини олганидан кейин истъфо берди, деб илгари Буэнос-Айресдан олинган хабарлар тўғри бўлиб чиқмади. Кейинги хабарларга қараганда у, истъфо беришдан бош тортган ва Оливосдаги (Буэнос-Айрес яқинида) ўз резиденциясида турибди. АП агентлигининг ҳарбий доралар вакиллари айтган гапларга асосланиб берган хабарида айтилишича, Фрондиси истъфо беришдан бош тортган тақдирда қамоққа олиниб, Мартин Гарсиа оролига сургун қилинади. Аргентинанинг собиқ президенти Хуан Перон ҳам 1955 йилдаги ҳарбий тўнтаришдан кейин шу оролга сургун қилинган эди.

Буэнос-Айресдан олинган телеграммаларда айтилишича, Пушти уйни (ҳукумат резиденцияси.— Редакция) қўшинлар эгаллаб турибди. Қўшинлар шаҳардаги муҳим позицияларни ҳам эгаллаб олганлар.

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

МОСКВА, 28 март. (ТАСС). Жазоир Республикаси муваққат ҳукуматининг раиси Бин Юсуф Бин Хедда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевга жавоб мактуби юборди.

Мактубда айтиладики, Совет Иттифоқининг Жазоир Республикаси муваққат ҳукуматини танилганлиги, шунингдек Н. С. Хрушчевнинг Жазоир халқига миллий озодлик йўлидаги курашда эришган ғалабаси муносабати билан йўллаган қизғин истаклари Жазоир халқи учун қиймматбаҳо мадад бўлиб, ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасида мустаҳкам алоқа борлигини кўрсатувчи янги далилдир.

Жазоир Республикасининг муваққат ҳукумати Совет Иттифоқи билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга мамнуният билан розилик билдиради. Биз аминмизки, дейилади мактубда, бу муносабатлар ҳар иккала мамлакатимизни бирлаштирган дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга жиддий ёрдам беради ва мамлакатларимизга самарали ҳамкорлик қилишга имкон беради.

Бин Юсуф Бин Хедда Совет Иттифоқи халқларига муваффақиятларга эришиш, бахт-саодат ва равноқ топиш истагини изҳор қилади.

ЖАЗОИРДА АҲВОЛ КЕСКИН

ПАРИЖ. (ТАСС). Жазоир шаҳридан олинаётган хабарлар бу шаҳардаги аҳволнинг кескинлигидан далолат бермоқда. «Қуролли махфий ташкилот» Жазоир пойтахтида забастовка уюштиришга уринмоқда. Жазоирдаги ҳамма магазинлар ёпиб қўйилди. Шаҳарда автобус транспорти қатнови тўхтаб қолди. Банклар билан муассасалар ҳам ёпиб қўйилди.

Армия бўлинмалари жанг қилишга тўла шайланган ҳолда асосий магистралларнинг чорраҳаларини эгаллаб турибди.

ОАСчилардан бир группаси кечаси полициянинг радиолаштирилган автомашинасида кетаётган жандармларни тўхтатиб, қуролсизлантирди.

ПОЛЬША АҲОЛИСИНИНГ СОНИ

ВАРШАВА, 28 март. (ТАСС). Польша матбуот агентлиги хабар беради: «Статистический бюллетень»нинг охирги сонида Польша аҳолисининг сони тўғрисида янги маълумотлар эълон қилинди. Польшанинг аҳолиси 1961 йилнинг охирида 30 миллион 133 минг кишидан иборат бўлиб, шу жумладан эркаклар 14 миллион 584 минг ва хотин-қизлар 15 миллион 549 минг кишидир. Польшанинг шаҳарларида 14 миллион 610 минг киши, қишлоқларда эса, 15 миллион 523 минг киши истиқомат қилмоқда.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1962 йил 28 мартдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги тугатилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўзининг 1962 йил 28 мартдаги қарори билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Совхозлар Бош бошқармасини тугатди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Телевизор

30 МАРТДА

Рус тилида: 12.00 — Мультипликацион фильм (болалар учун), 12.20 — Шустрик ва Мямликнинг янги йил кечасидаги туши (болалар учун), 18.30 — Будь готов! (телевизион журнал), 19.30 — Телевизион янгиликлар, 19.45 — Телетомошабиларнинг саволларига жавоблар, 20.05 — «Политотдел» колхози бадиий ҳаваскорларининг концерти, 20.55 — М. Божий ва Л. Кербел ижоди (Ленин мукофотига тақдим этилган асарлар циклидан).

Ўзбек тилида: 21.15 — Телевизион янгиликлар, 21.30 — Совет Ўзбекистони (киножурнал), 21.40 — Иккинчи касб деган эшиттириш.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—30/III да эрталаб **Русалка**, кечқурун **Масҳарабозлар ва концерт бўлими**, 31/III да эрталаб **Оққуш кўли**, кечқурун **Дилором**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—30/III да эрталаб **Ҳамза**, кечқурун **Ганг дарёсининг қизи**, 31/III да **Ревизор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/III да кечқурун **Тошболта ошиқ**. 30/III эрталабга эълон қилинган Тошболта ошиқ спектакли 8/IV га кўчирилди. Олинган балетлар ярайди.

Кино

Бир йилнинг тўққиз куни — «ИСКРА» (кеч соат 5 дан), «СПУТНИК» (кундуз 1, 3, кеч 5, 7 ва 9 да).

Асканиялик академик — «ИСКРА» (кеч соат 5 гача).

Сентябрдаги севги — «МИР» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун).

Муз устидаги кишилар — «МИР» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 10 да), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз 1, кеч 5 ярим ва 10 да).

Энг кичик дайди — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Калит — «ВАТАН» (эрталаб соат 9-40 минутда).

Тонгги шудринг — «МИР», НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Тошкентда биринчи марта

ЭНГ ЙИРИК СОВЕТ АТТРАКЦИОНИ

ЙЎЛБАРСЛАР

Йўлбарсларни ўргатувчи — «Хавфли рейс» кинофильмининг қаҳрамони, РСФСРда хизмат кўрсатган артист

Маргарита НАЗАРОВА

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИ

31/III гача уч мартадан томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

Охунбобоев номли 45-мактабнинг коллективи шу мактаб директори Розия Қобиловага унинг онаси Баҳри МУХТОРОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ФЕЛЬЕТОН

АЛИПАША ОВГА ЧИҚДИ...

Домлалар ҳам ҳар хил бўларкан: бировлари беморларни куф-суфлаб тирикчилик ўтказса, бошқаси тузоғига илинганларни илондек авраб маишат қиларкан. Алипаша домла бўлсалар унисига ҳам, бунисига ҳам ўхшамайдилар. Бир қарасангиз, кишиларни авраб туради, яна бир қарасангиз енг шимариб бемор билан муштлашаётган бўлади. Домланинг тўғридан-тўғри юлғичлик қилган пайтлари ҳам жуда кўп бўлган. Бу киши гоҳо чемодан, гоҳо хуржин кўтариб, ойлаб мурид овлайдилар. Бундай пайтларда ўзлари ҳам семириб, рангларига қон югуриб юзлари, худди даканг хўрозниг тожисига ўхшаб қолади. Домла хатму қуръонга юришдан ташқари табиблик, дуохонлик билан ҳам шуғулланадилар. Касал камайса, қишлоқларни айланиб касал ахтарадилар. Кишлоққа киришдан олдин бирор кишидан шу кишлоқда неча касал бор, оти нима, адреси қанақа, қанчадан буён ётибди — ҳаммасини билиб оладилар-да, сўнг бирор кишининг эшигини қоқиб:

— Қизинг тузукми, — деб сўрайдилар.

— Ие, сиз ким бўласиз?! — ҳайрон бўлади уй эгаси.

— Мен девонаман...

— Девона? Қанақа девона?!

— Суриштирма! Қизинг Ойнисо касал, мени худо юборди, — дейдилар домла аллақандай оҳангда.

Уй эгаси ақли-ҳуши жойида, хурофотга берилмаган кишилардан бўлса, уни қувиб солади, бордию, бидъатчи бўлса-чи — домла ҳазратлари ниятларига етган бўладилар. У киши касални кўрмасдан, аптекадан беш, нари борса ўн тийинга сотиб олган дорини 40—50 сўмга пуллаш пайида бўладилар. Алипаша ҳазратлари худди ана шу йўл билан юзлаб беморларнинг дардига дард қўшдилар. Бир гал овга чиққанларида Бўка районидаги Ленин номли колхоз аъзоси Маъмур Имомалиевдан тутқаноқ касалингни даволайман деб 40 сўм сўрадилар.

— Ҳеч бўлмаса 30 сўм олинг, тақсир! — деди Маъмур бир чўнтагини кавлаб, бир домлага қараб.

— Йўқ, — дедилар Алипаша домла, — бу дори ҳазрати луқмони ҳакимдан қолган дори, камига сотсам худоий таолага шак келтирган бўламан...

Домла йигитга бир коробка «Волокордин» билан вазелин узатиб:

— Бисмилло деб ичгин, — деб тайинладилар, — бунисини қўй ёғига аралаштириб чаккангга сурт. Суртаётганингда лоилоҳо иллоблони ўқиб тур!

Шу колхозда яшовчи Алима Султоновадан унинг укаси Абсалюмнинг буйрак касалини даволайман деб, домламиз 30 сўмни шилиб олдилар-у, сўнгра ажойиб фокс кўрсатдилар. Ошқовоққа ўнг аралаштириб қайнатдилар-да, Абсаломнинг бикинига суртиб:

— Кўзингни юм, оғзингни оч,— деб буюрдилар. Йигит буйруқни бажо келтиргач, домла ҳазратлари хуржинни елкага ташлаб, секингина жуптакни ростлаб қолдилар. Бўкада яшовчи Мажид Ҳасановни қўшнисининг қизи ошқозон касали билан оғриб юрарди. Домла ҳазратлари буни эшитиб роса қувондилар, кўз юмиб очгунча ўша ерда пайдо бўлдилар, ва:

— Бир нафасда даволайман, — дедилар.

— Ростдан-а?

— Рост. Ёлғон десам, каломи шариф қўлимда, —деб қасам ичиб юбордилар Алипаша, сўнг икки банка қатиқ билан ярим литр ароқ келтиришни буюрдилар. Икковини қориштириб, қизчага ичирарканлар:

— Кўзингга нима кўринянти, болам? — деб сўрадилар.

— Банканинг тагида қолган қатиқ кўринянти.

— Баракалло, кайфинг қалай?

— Жуда яхши, тақсир.

— Қорнинг оғриянтими?

— Йўқ, оғригани йўқ тақсир.

— Баракалло. Қани энди бир ўйнаб юборчи.

Ароқ ичиб, маст бўлиб олган қизча сакраб-сакраб ўйнига тушакетди, қийқириб кулиб, хонадонни бошига кўтарди. Домла ҳазратлари бўлсалар 25 сўмни чўнтакка урдиларда, хайр-маъзурни насия қилиб жўнаб қолдилар ва эртасига кишилар домлани «Пискент» совхозида кўришди. Алиқул Умаровнинг сингласи тутқаноқ касалига мубтало бўлган эди. Домла уни даволайман деб 20 сўмини олди-да, аптекадан «пирамидон» келтириб бердилар. Абдисалом Назаровга луқмони ҳаким ҳазратларидан қолган дори деб «Урадон»ни 25 сўмга пуллаб олдилар. Дўсматова Муҳаррам опани айниқса чув туширди. Тиш ювадиган порошокни кўз оғригига дори деб талайгина пулини шилиб олдилар.

Ҳазратимнинг номан амолларини ёзаман десангиз яна бир достон бўлади. Лекин биз гапни қисқа қилиб қўяқолмоқчимиз. Алипаша Гулиев дуохон ва табиб ниқоби остида юрган катта товламачидир. Бу одам товламачи ва қаллоблиги туфайли илгари ҳам қамалган, урушда ўлганларнинг орденини ўғирлаб келиб қўлга ҳам тушган, касални даволайман деб беш бадтар қилиб қўйгани учун Сирдарё районида роса дўппослашган. Лекин шунда ҳам тавбасига таянмаган. Ўзи эса бориб турган хотинбоз, бир эмас уч хотини бор. Хуллас Алипаша ҳазратлари ана шундай нопок одам. Қиссамиз тугади. Эндиги сўз Пискент район прокурорига.

Т. КАРИМОВ,
Х. ТУХТАБОЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786, Секретариат — 34808, 31936. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 25888. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 00879. Нашр. Г. — 1560.